Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 46 (8. 244) ◆ 1993 йил 15 март, душанба ◆ Нархи 5 сўм

Ислом КАРИМОВ:

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКЛИГИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ!»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг МДҲдаги хорижий мухбирлар халқаро уюшмаси аъзолари билан суҳбати

СУРАТДА: мамлакат Президенти Ислом Каримов хорижий мухбирлар билан мулоқотда.

ЎзА олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ: Ҳурматли журналистлар, мен, аввало, сизларни Ўзбекистон диёрида табриклаб, республикамизга қизиқиб қараётганингиз ва унга эътибор бераётганингиз учун ташаккур айтмоқчиман. Чунки ёш мустақил давлатдаги воқеаларни холисона ёритиш Ўзбекистон олдида турган муаммоларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшиш имконини беради.

Мен сизларнинг меҳнатингиз нақадар муҳимлигини ва нечоғли оғирлигини яхши тушунаман. Бироқ шу билан бирга бу иш ўзаро манфаатдорлик ва ҳамжиҳатлик мавжуд бўлган тақдирдагина самара бериши мумкин. Мазкур учрашув сизларга бизнинг муаммоларимизни яхшироқ англашингизга, Ўзбекистонни атрофлича билиб олишингизга ёрдам беради, деб умид қиламан. Чунки бу учрашув охир-оқибатда қадимий днёримизда рўй бераётган воқеаларни холисона ва ҳаққоний ёритишингизга кўмаклашади. Бизнинг муаммоларимиз кўп. Аммо ижобий тажриба ҳам орттирганмиз, бизнинг тажрибамиз сизни ва бутун дунё жамоатчилигини қизиқтирса ажаб эмас.

Мен сизларни қизиқтирувчи ҳамма саволларга жавоб қайтаришга тайёрман.

Марко ПОЛИТИ, Ҳамдўстлик мамлакатларидаги хорижий мухбирлар уюшмасининг раҳбари: Президент жаноблари! Кўҳна Ўзбекистонда бизга кўрсатилган иззат-икром учун жамики журналистлар аҳли номидан миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсиз. Республикангиз ўзининг барқарорлиги, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг осойишталиги билангина эмас, кейинги вақтларда бу ерда рўй берган ўзгаришлар билан ҳам бизни қизиқтиради. Биз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги барча давлат бошлиқлари билан учрашишни режалаштириб қўйганмиз. Илтимосимизга биринчи бўлиб сиз ижобий жавоб берганингиз бизни ғоят қувонтирди. Биз Москвада яшаймиз. Лекин сиз дувёдаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари бўлган бизларни тўла асос билан ўша мамлакатларнинг Ўзбекистондаги мухбирлари деб ҳам ҳисоблайверишингиз мумкин.

ПРЕЗИДЕНТ: Сизларнинг қароргоҳингиз Москвада экани тасодифий ҳол эмас. Бу шаҳар—собиқ иттифоқнинг пойтахти. Шу билан бирга бу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўзбекистон СССР таркибида бўлган вақтларда аҳоли зич яшайдиган, қадимий, улуғ тарихга, маданиятга, маърифатга эга бўлган бу йирик минтақа ҳақидаги жамики ахборот юзаки бўлар эди. Сизлар хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам, бизга тааллуқли ҳамма хабарни асосан Москва матбуоти орқали олар эдингиз. Шу кунгача ҳам ўша эски усул давом этиб келмоқда. Бу эса муайян бирёқламаликни юзага келтириши табиий. Ўзбекистонга тез-тез келинглар, одамлар билан учрашинглар, муаммоларимизни, муваффақиятларимизни, орттирган тажрибамизни ўрганинглар. Биз Марказий Осиёнинг энг катта мамлакатларидан бирида рўй бераётган воқеаларни ҳалол ёритувчи моҳир қаламкашларни ҳамиша қувонч билан кутиб оламиз. Шу боисдан мен сизларнинг Москвадагина эмас, Тошкентда ҳам бўлишингиз тарафдориман. Тошкент Ўзбекистоннинг пойтахти бўлиши билан бирга Шарқнинг дарвозаси ҳам эканини эсдан чиқарманглар. Бизнинг пойтахтимиз жўғрофий-сиёсий мавқеи билан, тинчликпарварлик анъаналари билан бутун дунёга ном таратган. Бинобарин, мен сизларнинг бу ерда ўз қароргоҳларингизни очиш ниятингизни қўллаб-қувватлайман.

МУХБИР: Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ва бирлашув истиқболлари қандай, ҳамдўстликнинг келажаги борми? Ёки сизларга Ўрта Осиё бозорини барпо этиш манфаатлироқми?

ПРЕЗИДЕНТ: Бу масалалар бири иккинчисига халал бермаслиги ва зид келмаслиги керак. МДҲнинг келажаги бор. Ҳозирги мустақил давлатлар ўртасидаги кўп йиллик иқтисодий алоқаларни узиб бўлмайди. Аммо бу алоқаларни ҳар қандай томон бирон-бир тарада тазйиқ ўтказмайдиган маърифатли асосга қуриши керак. Муносабатлар фақат ўзаро манфаатли асосга таяниши лозим.

Январь ойида Тошкентда расм бўла бошлаган «Марказий Осиё давлатлари» тушунчасига келганда шуни айтиш керакки, бу — табиий, ҳаққоний жараён.

Бу минтақада яшаётган кўпмиллатли халқларни бирлаштираётган, яқинлаштираётган замин — тарихимиз, маданнятимиз, тилимиз, динимизнинг бирлиги, томирларимизнинг туташиб кетганлиги, бинобарин, иқтисодий, табиий бойликларимиз инқироздан чиқиш йўлларини биргаликда қидиришни тақозо этади. Бу ҳол табиийдир. Мен Тошкентнинг алоҳида мақомли шаҳар экани ҳақида бежиз гапирганим йўқ. Хуллас, у минтақанинг ахборот марказлари қилиб танлангани жуда мантиқийдир. Энг янги хабарлар бутун дунёга шу ердан тарқаладиган бўлади. Бу ҳам сизларни қизиқтиради, деб ўйлайман.

МУХБИР: Президент жаноблари, сиз молиявий сиёсатингизни Россиянинг Марказий банки билан келишиб юритмоқчисиз, аввалгидек рублдан миллий валюта сифатида фойдаланаверасизми?

ПРЕЗИДЕНТ: Бу гап жуда муҳим. Таъбир жоиз бўлса, нозик масалалардан бири. Бу масала Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг ҳамма учрашувларида муҳокама қилинди. Тегишли ҳужжатлар ҳам имзоланди. Бироқ, афсуски, бу ҳужжатларга шу пайтгача ҳам риоя қилинмаяпти. Россия ўтказаётган сиёсат бу йўлдаги асосий тўсиқдир. Минск шаҳридаги сўнгги учрашувда Россия раҳбарлари МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар учун давлатлараро банк тузишга рози бўлган эдилар. Назаримда, бу Россия сиёсатидаги ижобий жиҳатдир.

Бироқ муайян доиралар рубль зонасидаги мамлакатларга нисбатан қаттиққўл молиявий сиёсат ўтказиш тамойилини бошлаганликлари сизларга сир эмас. У ердагилар «рубль доираси»ни торайтиришмоқчи деса ҳам бўлади. Бу масалада Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев каби менинг ҳам фикрим равшан: рубль зонасидан чиқиш—шунчаки бир мақсад эмас. Ўз қадрини билувчи ҳар бир мутахассис пул муносабатлари нималигини, миллий валютани жорий қилиш учун қандай шарт-шароитлар талаб этилишини, бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини билади. Биз ўз пулини жорий этишга қарор қилган мамлакатларнинг, аввало, Болтиқбўйи мамлакатлари, Украинанинг тажрибасини жуда синчиклаб ўрганяпмиз. Маълумки, украин карбованеци «ғарқ» бўла бошлади ва зўр-базўр муомалада турибди. Шу сабабли Россия ўз валютасига ўтмагунча Ўзбекистон рубль зонасида қолади. Бу нарса бизга қанчалик оғир таъсир ўтказишини жуда яхши англаб турибман. Бироқ Россия раҳбариятининг ақлзаковати эҳтиросларга устун бўлиб чиқишига аминман. Башарти бундай бўлмаса, Ўзбекистон ҳам, Қозоғистон ҳам, рубль зонасидаги бошқа республикалар ҳам маълум тазйиққа тоқат қила олмайди. Охир-оқибатда Россиянинг ўзи ҳам жуда кўп қийинчиликларга дуч келади...

Хуллас, биз сиёсий мулоқотимизга салбий таъсир қиладиган ўринсиз шахсиятпарастликни тарозининг бир палласига ва ўзаро муросага келиш йўлини иккинчи палласига қўйганимизни равшан англаб олмоқ керак. Сиёсий мулоқот, ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг фикрига ўзаро ҳурмат билан қараш ана шу чигал масалани ҳал қилиб беради, деб ҳисоблайман.

МУХБИР: Президент жаноблари, олис хорижда, МДҲ давлатларида Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларга оид хабарлар доимо диққат марказида турибди. Яқинда босилган бир хабарда ватанга хиёнат қилишда айбланган киши қора курсига ўтказилгани айтилган эди. Улар орасида, Президент сайловидаги рақибингиз — Муҳаммад Солиҳ ҳам бор эмиш. Нега сиз муҳолифат билан шу қадар қаттиқ муомалада бўляпсиз?

ПРЕЗИДЕНТ: Бу савол менга тааллуқли эмас. Ўзбекистон Республикасининг қонуни бор. Конституция бор, Олий Кенгаш—давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи органи бор. Шундай бўлса-да, саволингизга жавоб қайтаришга ҳаракат қилиб кўраман.

Ҳозирги тарихий тажрибанинг кўрсатишича, яқинда мустақилликка эришган суверен давлатларда воқеалар деярли бир хил андоза билан ривожланди. Тожикистон, Озарбайжон ва бошқа республикалардаги конституциявий ҳокимиятнинг заифлигидан фойдаланилиб, умумхалқ овоз бериши йўли билан сайланган ташкилотларга мувозий тузилмалар ҳам пайдо бўлиб, улар битта мақсад — ҳокимиятни қўлга олиш мақсадини кўзлай бошладилар. Аммо улар сизларнинг ривожланган мамлакатларингиздаги каби конституциявий, маърифатли усуллар билан эмас, балки кўрқитиш, эўравонлик, қўпорувчилик йўли билан курашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг еттинчи моддасида: давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Конституция ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади, деб ёзиб қўйилган. Мантиқийми? Шубҳасиз мантиқий! Зеро, Конституцияда белгилаб қўйилган меъёрларга зид ҳаракат қилувчи мувозий ташкилотларнинг тузилиши бошбошдоқликка олиб борган бўлур эди. Барча халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизни энг халқчил Конституция ва қонунлардан бири деб эътироф қилишдику, ахир! Дарвоқе, жаҳон ишбилармонларининг яқинда Давосда ўтказилган йиллик кенгашида Европа тиклаш ва тараққиёт банкининг президенти Аталли жаноблари буни яна бир карра тасдиқлади...

«Мухолиф» дейилмиш кучларнинг мақсадлари нима эди? Бир мисол айтиб берай. «Миллий мажлис» деб аталган «чеклانган мажлис»ни тузиш учун қилинган уриниш давлат ҳокимиятининг қонуний органи бўлган Олий Кенгашга кучли таъсир ўтказиши лозим эди. «Қайта тузувчилар» деб аталган кимсаларнинг фикрича, «миллий мажлис»га ўзини муҳолифатчи партиялар деб юрганларнинг вакиллари кириши лозим эди, улар қонуний давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятларини назорат ва тазйиқ остига олиш мақсадини амалга оширишмоқчи бўлган. Бу бошқача айтганда, қип-қизил тўнтариш эмасми?

Хўш, уларнинг дастури борми, улар кўпмиллатли Ўзбекистон халқини қайси йўлдан бошлаб бормоқчилар? Яна бир гап. Уларнинг талабига кўра, гўё парламент, ҳукумат буларнинг кўрсатмаси билан иш қилиши керак эмиш. Баъзи бир минтақалардаги фожиали воқеаларни ҳисобга олсак, бунинг оқибати қандай бўлгани маълум.

Модомики шундай экан, бундай қилиш тўғримми, республиканинг ҳақиқий фуқаролари бундан хабардормилар? — деган савол туғилади.

Мисол қидириб олисга боришнинг кераги йўқ. Ён қўшнимиз Тожикистонни олиб кўринг. Республика пойтахти — Душанбедаги Шоҳидон майдонида ҳам «демократлар» тўпланишган эди. Кейинроқ, ниқоят, ниқоб пардаси тушганида, бу одамларнинг қўлида автоматлар пайдо бўлганини ҳам кўрдик. Кимки митингга борган бўлса, анча-мунча пул тўланди. Хўш, натижа нима бўлди? Бу фуқаролар урушига олиб келди: ўн минглаб бегуноҳ кишилар — аёллар, болалар, қариялар нобуд бўлди... «демократ»ларнинг мақсади битта — «Эрон тойфасидаги давлат» қуриш эди. Ва давлат ҳокимияти, на Олий Кенгаш муҳолифатчиларга — қўпорувчиларга қарши тура олди. Ҳолбуки, мустақил давлатда Конституция ҳам, қонунлар ҳам амал қилмоғи лозим эди.

Хуллас, муҳтарам жаноблар, Ғарбдагилар жон куйдираётган «Бирлик» ҳаракати фаолиятини ҳам Президент эмас, балки Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Адлия вазирлиги таҳлил этиши керак. Адлия вазирлигида рўйхатдан қонуний тасдиқдан ўтишаётганида «Бирлик» раҳбарларига зиммангизга сиёсий масъулият олганингизни унутманг, қонун йўриғидан чиқманг, деб уқтирилган эди... Кейинги пайтда уларга фаолиятингизга танқидий назар ташланг ва уч ой мобайнида белгиланган тартибда ариза бериб, сўнгра ишлайверинг, аммо Конституция доирасидан чиқманг, деб неча марталаб айтилди.

Ҳа, айтгандай, барча ривожланган капиталистик мамлакатлардаги тартибга мувофиқ партия ва ҳара-

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Э. Қ. ҲАЙИТБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Эркин Қаҳҳорович Ҳайитбоев Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 12 март.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Вазирлар маҳкамаси раисининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби вазифасида ишлаётган Шавкат Яҳёев Ўзбекистон Республикаси давлат телевидениеси ва радиоэшиттириш компанияси раиси этиб тайинланди.

● Бугун Тошкентда деҳқончилик-саноат мажмуи ходимларининг пахтачиликни ривожлантиришга бағишланган кенгаши иш бошлади.

● Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида хайрия марафони ўтказилди. Унда кам таъминланган оилалар учун 1,3 миллион сўмга яқин маблағ тўпланди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Россия халқ депутатларининг навбатдан ташқари VIII съезди 11 апрелга мўлжалланган референдумни ўтказмаслик тўғрисида қарор қабул қилди.

● Туркманистонга Туркия қуролли кучлари бош штабининг бошлиғи келди. У бу ерда Туркманистонга ҳарбий мутахассислар тайёрлашда кўмаклашиш масалаларини муҳокама этади.

● Тожикистон прокуратураси мамлакат фуқаролари ўртасида ўзаро адоватни авж олдираётганлиги учун демократик ва ислом партияларини ман этиш тўғрисида республика Олий Кенгашига мурожаат этди.

ХОРИЖДА

● Корея Халқ Демократик Республикаси ядровий қуроляроғларни тарқатмаслик тўғрисидаги шартномадан чиқиши тўғрисида баёнот берди.

● Бугун Умумхитой халқ вакиллари йиғилишининг биринчи сессияси иш бошлайди. Унда Хитой Халқ Республикаси раиси, парламент бошлиғи, Давлат кенгашининг бош вазири сайланиши керак.

● Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрида амалга оширилган террорчилик портлаши натижасида 300 нафардан кўпроқ киши ҳалок бўлди.

● Арманистон Президенти Левон Тер-Петросяннинг Францияга ташрифи ниҳоясига етди.

● 45 яшарли муҳандис Адольфс Шляжявичюс Литва бош вазири этиб тайинланди.

● Америка Қўшма Штатлари шарқий соҳилидаги қатор штатлар табиий офат зонаси, деб эълон қилинди. Бу жойларда ўтган кучли қор бўрони оқибатида 18 киши ҳалок бўлди, ўнлаб кишилар жароҳатланди. 3 миллион нафарга яқин аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди.

● Австрияда фристайл бўйича жаҳон биринчилигида Ўзбекистон вакили Лина Чирязова чанғи акробатикаси мусобақаларида олтин медалга сазовор бўлди.

● Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотига аъзо бўлган 174 мамлакатда 1992 йилда 30 та авиация ҳалокати қайд этилган. Бунинг оқибатида 1097 йўловчи ҳалок бўлган. 1991 йилда эса 29 та авиация ҳалокати бўлиб уларда 653 нафар йўловчи ҳалок бўлган эди.

** Ҳар кунимиз бўлсин Наврўз!*

«СОВПЛАСТИТАЛ»НИНГ АЖОЙИБ СОВҒАСИ

ХАЛҚ истеъмол буюмлари ва пластмассадан эсдалик совғалари ишлаб чиқарадиган Ўзбек-Италия қўшма корхонасининг маҳсулотлари Тошкент ва Ўзбекистондан ҳам ташқарида жуда машҳурдир. Фаолият кўрсатаётган вақтдан бери ўтган қисқа давр ичида «Совпластитал» корхонаси республика ва шарқий чет эл бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллашдан ташқари халқаро майдонга ҳам дадил кириб бора олди.

«Совпластитал» корхонаси фақатгина ўзининг ажойиб маҳсулотлари билан шуҳрат қозониб қолмасдан ушбу жамоа хайрия ишларида ҳам жуда фаоллик кўрсатмоқда. Бу ерда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, ногиронларга, етим-есирларга, хуллас ҳозирги кунда турмушда қийналаётган ҳар бир кишига саховат ёрдами бериб келмоқда.

Наврўз байрами арафасида эса қўшма корхона жамоаси тошкентликларга яна бир ажойиб туҳфа тошширишга қарор қилди. Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон пойтахти уй-жой қурилишини пул билан таъминлашда қийинчиликлари ўз бошидан кечирмоқда. Ана шу боисдан шаҳарда уй олиш учун минглаб оилалар навбат кутиб турибди. Айниқса Тошкентнинг эски шаҳар қисмида яшовчи аҳолининг уй-жой шароитлари оғир. Бу ерда яшаётган оилалар энг оддий маиший қулайликлардан ҳам бебаҳра бўлиб қолмоқдалар, бу ерда яшаётганлар совуқ ва иссиқ сув таъминотидан, марказий иситиш тармоғидан, канализациядан маҳрум. Уй-жойларни сотиб олишга қурби етадиганлар ҳам битта-яримта.

Шундай қилиб «Совпластитал» қўшма корхонаси Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги кам таъминланган ва кўп болали оилалар учун 48 хонадонли турар жой қурилиши учун маблағ ажратишга қарор қилди. Ана шу уй қурилишига 60 миллион сўм ажратиш кўзда тутилган.

«Совпластитал» жамоаси Наврўз байрами арафасида тошкентликларга ана шундай ажойиб туҳфа тайёрладилар. Бу билан улар қадимдан қарор топиб келаётган меҳр-мурувват, кам таъминланган кишиларга саховат кўрсатишдек ажойиб анъаналарга содиқ эканликларини амалда исботладилар. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, «Совпластитал»нинг бу ҳиммати бошқа жамоалар учун ҳам ажойиб намунадир. Албатта ҳамма ҳам ана шундай катта маблағга ва бутун бир турар жой биноси қурилишини молиявий маблағ билан таъминлаш имкониятига эга эмас. Лекин Тошкент аҳолиси орасидаги кам таъминланган табақаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга ҳар бир жамоа ўз улушини қўшиши мумкин.

Собир ЛАТИПОВ.

НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН УМУМШАҲАР ҲАШАРИ

ШАҲАР қароргоҳидан хабар қилишларича, ҳашарда 968 минг киши қатнашди, шулардан 278 минг киши ўз иш жойларида меҳнат қилиб, 41 миллион сўмга яқин иш ҳақи ишладилар, 290 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар, 222 миллион сўмлик халқ истеъмол буюмлари тайёрладилар, 41 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ишларини адо этдилар.

● **Наврўз жамғармасига 9 миллион сўмга яқин;**

● **Болалар жамғармасига 2,9 миллион сўм;**

● **«Раҳм-шафқат» жамғармасига 2,2 миллион сўм;**

● **«Маҳалла» жамғармасига 4 миллион сўмга яқин;**

● **Шароф Рашидов жамғармасига 414 минг сўм ўтказилди.**

● **Бошқа хайрия мақсадлари учун 6 миллион сўмга яқин маблағ ўтказилди.**

● **Корхоналарни ижтимоий ривожлантириш жамғармасига 16 миллион сўм ўтказилди.**

Ободонлаштириш бўйича ишларни шу ҳафта мобайнида давом эттиришга қарор қилинди. Бундан кўзда тутилган мақсад шаҳримизни умумхалқ байрами — Наврўзга ҳар томонлама яхши тайёрлашдир.

● **Умумшаҳар ҳашарига бағишланган мақола ва суратлар навҳалар билан газетанинг учинчи саҳифасида таниласиз.**

Ислом КАРИМОВ:

„ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКЛИГИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ!“

(Давоми. Боши биринчи бетда).

катлар ўз таъминоти учун молиявий маблағни қаердан олаётгани ҳақида давлатга баёнот тақдим этишга мажбур эканликларини биламан. Аъзоларининг сони уч мингга ҳам етмаган ўша «Бирлик» ҳаракати бир талай пулни қаердан олди экан?

Мен кўпгина хорижий мамлакатларнинг Конституцияларини батафсил ўрганиб чиқдим. Журналистлар ҳам шундай қилишса чакки бўлмас эди. Ўша Конституцияларнинг биронтасида қонуний сайланган ҳокимиятга қасд қилинишига йўл қўйилмайди. Масалан, Германия Федератив Республикаси Конституциясининг ўн биринчи моддасида: ҳар қандай партия молиявий манбалари ҳақида ошкора ҳисоботлар, баёнотлар беришга мажбурдир, деб ёзиб қўйилган. Жуда тўғри талаб. Фуқаролар, солиқ тўловчилар бу қоидага тўла-тўкис розидирлар.

Аминманки, Ўзбекистон аҳолиси Тожикистонда рўй бергани каби бошбошдоқликка йўл қўйилишини хоҳламайди. Шундай бўлса-да, Тожикистоннинг фожиаси бизнинг кўзимизни очди. Бундай фожиа Ўзбекистонда такрорланмайди! Бунга йўл қўйилмайди!

МУХБИР: Президент жаноблари, сизга иккита савол бермоқчиман. Биринчиси — нега баъзи ажнабий журналистларнинг келишига рухсат берилмаяпти. Иккинчиси — баъзи газеталар, жумладан, «Эрк»нинг ёпилишига ким кўрсатма берди?

ПРЕЗИДЕНТ: Мени кечирасиз-у, аммо халқаро қоидага биноан журналист уёқда турсин, оддий фуқаро мустақил давлатнинг дарвозасидан кириб келганида ҳужжатлари расмийлаштирилиши лозим. Сизнинг ҳужжатларингиз расмийлаштирилди-ку! Бу ҳамма эътироф этган маърифий усул. Бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Энди газеталарнинг очилиши ёки ёпилиши масаласига ўтайлик. Бунга Президентнинг сира даҳли йўқ. Рўй берадиган ҳамма масалалар қонун асосида, хусусан, матбуот ҳақидаги қонун асосида ҳал қилинади. Республикада тегишли комитет бор, келиб чиқадиган муаммоларни ўша комитет ҳал қилиши керак. Агар биронта газет ёпиб қўйилган бўлса, унинг раҳбариятига мулоҳазалар айтилган, улар бу мулоҳазаларни бажаришга мажбурлар. Аммо, афсуски, бажармадилар...

Бироқ, юқорида айтиб ўтилган фикрга яна бир бор қайтмоқчиман. Бир фараз қилиғлар: сиз яшаётган давлатда рўзнома ёки ҳафтанома, журнал нашр қилинсаю, лекин уларни таъминловчи, яъни бошқача айтганда, кўрсатма берувчи (шу жумладан, қўпорувчи) кучлар чет мамлакатларда туриб, қиж-гижласа! Бунга қандай қарайсизлар? Ҳар бир матбуот органи, партия, ҳаракат маблағ билан таъминланиш манбалари ҳақида давлат идораларига баёнот тақдим қилиши лозим. Бу соҳада ошкоралик зарур. Модомики, матбуот ошкоралиги талаб қилаётган экан, нега энди мустақил давлатнинг раҳбарияти ҳам ўша қоидага амал қилмаслиги керак экан?

МУХБИР: Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Мексика телевидениеси гуруҳи 18 кундан бери Ўзбекистонда турибди. Бизнинг вазифамиз — мамлакатнинг қиёфасини гавдалантириш. Биз бу ерга қонун асосида келганмиз, мамлакатингиз Ташқи ишлар вазирлиги бизга катта ёрдам берди. Аммо биз доимо партия ходимларининг, давлат хавфсизлиги комитети агентларининг назоратида эканимизни сезиб турибмиз. Оддийгина сюжетларни суратга олишимизни ҳам тақиқлаб қўйишмоқда. Шу вақт ичида биз мазкур кўрсатувни кутиб турган ўн миллионлаб мексикаликлар учун сизнинг суҳбатингизга мушарраф бўлмадик. Бунинг сабабини изоҳлаб бера оласизми?

ПРЕЗИДЕНТ: Президент билан суҳбат деднигиз. Ҳозир ўзингизни қизиқтираётган ҳар қандай саволга жавоб олиш имкониятингиз бор.

«Давлат хавфсизлиги комитетининг агентлари», материал олиш йўлидаги тўсиқлар ҳақидаги гаплар, чамаси, ҳақиқатга унчалик тўғри келмаса керак. Ташқи ишлар вазирлигида ким сиз билан алоқа боғлаб турибди?

(Сукунат)!

Вужудга келган масалаларни ҳал этишда ёрдам сўраб республика Ташқи ишлар вазирлигида кимга мурожаат қилдингиз?

— . . .

МУХБИР: Йўқ, Ташқи ишлар вазирлигида бизга имкони борича ёрдам беришмоқда. Лекин Самарқанд бозорида суратга олишимизга йўл қўйишмади...

ПРЕЗИДЕНТ: Бозорда «давлат хавфсизлиги комитетининг агентлари» йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Даъволарингизга келганда, ушбу учрашувдан кейин сизларга Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходимлари бириктириб қўйилишига Президент сифатида ваъда бераман. Ҳамма муаммоларингизни улар ҳал қилишади. Сизлардан сақлайдиган сиримиз ҳам, суратга олиш учун ёпиқ жойларимиз ҳам йўқ.

МУХБИР: Президент жаноблари, Америкада чиқадиган «Бизнес уик» газетасини иккита масала қизиқтирмоқда. Ўзбекистонда ишбилармонлар сиқувга олинмоқда, деган хабарлар бор. Республика раҳбариятининг ишбилармонлик тузилмаларни чеклаш дастури борми?

ПРЕЗИДЕНТ: Эҳтимол мен қайта такрорлаётгандирман. Аммо Конституциямизда хусусий мулк тақиқланиши у ёқда турсин, балки давлат томонидан муҳофаза қилинади, деб ёзиб қўйилган.

Мен бундай гап-сўзлар қаердан чиққанини биламан. Бизда (бундайлар қаерда йўқ дейсиз?) «давлатни қайта қуриш» тарафдорлари бор. Бюрократия бизда ҳам етарли. Бозорга ўтиш даврида эса, у ўзини айниқса тажовузкорона тутмоқда. Сизларда ҳам шундай бўлган эди. Бозор муносабатлари ҳеч қаерда осонгина, силлиққина жорий қилинган эмас. Шу боисдан, ислоҳот мухолифлари пайдо бўлаётгани ҳам мутлақо табиийдир.

Бизда давлат назорати ҳизмати ташкил этилган. Унинг вазифаси Президент фармонларини, айниқса бозор муносабатлари соҳасидаги фармонларни рўёбга чиқариш ва ижрони назорат қилишдан иборат. Кўпчилик буни навбатдаги қўшимча маҳкама, деб ҳисоблямоқда. Республикада бозор муносабатларига ўтиш мақсади аниқ-равшан белгилаб олинган. Мабодо, Россияда ва бошқа давлатларда ўтмиш замонларни қўмсаш мавжуд бўлиб, у кучайиб бораётган бўлса, бизда ундай эмас. Бундай бўлмайди ҳам! Республикамиз ўз йўлидан бормоқда. Бундай ишонч қаердан пайдо бўлди, деган савол туғилади.

Табиийки, Россияда рўй бераётган жараёнлар Ўзбекистонга ҳам таъсир ўтказмоқда. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Мустаҳкам хўжалик, снёсий, маданий алоқаларни бирданига узиб бўлмайди. Модомики шундай экан, у ерда амалга оширилаётган тажрибалар ҳоҳлайميزми, йўқми, бизга ҳам таъсир ўтказаверади.

Аммо биз кучли Шимолий қўшнимизга қараб иш тутмаймиз. Республикада янги шарт-шароитга ўтишнинг ўзига хос, ўзига мос босқичвазмин концепцияси ишлаб чиқилган. Бу концепция нимага асосланади?

Биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон снёсатнинг «қуйруғи»да бўлмаслиги лозим. Бу — иқтисодиёт ҳамиша снёсатдан юқори туриши керак, демакдир.

Иккинчидан, фақат давлат, қонуний йўл билан сайланган ҳокимиятгина ислоҳотчи бўлса — ҳаётда ижобий ўзгаришлар юз бериши мумкин. Айнан давлат устивор жиҳатларни белгилаши, оқилона, ижтимоий ларзаларга йўл қўймайдиган босқичма-босқич снёсат ўтказиши лозим. Давлат бошқариш жиловини қўлдан бермаслиги зарур.

Учинчидан, Ўзбекистонда 22 миллиондан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг йиллик кўпайиши салкам 550 минг кишини ташкил этади. Россияда эса туғилиш кескин камайиб бормоқда... Республикамиз аҳолисининг ярмига яқини ўн олти ёшгача бўлган болалардир. Фарзандларимиз баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун уларни ҳимояга олиб, едириб-ичириш, тарбиялаш лозим бўлади... Шулар қаторида қарияларимиз, муҳтож оилаларни ҳам. Яқинда Москвада чиқадиган газеталардан бирида, Биробижонда саккиз кишидан иборат бутун бир оила ахлат ўрада ётган моддани туз деб еб, заҳарланганини ўқидим. Ақл бовар қилмайдиган мана шундай воқеаларни эшитганимда юрагим эзилиб кетади. Оллоҳга шукрлар бўлсинки, бизда қашшоқлар, ахлатхоналарни титувчилар йўқ. Тўғри, ҳозир ҳаёт оғир. Аммо мен республика Президенти сифатида одамларнинг очарчиликка дуч келишига йўл қўймайман. Давлат ўз фуқароларини муҳофаза қилишга қодир бўлсагина, давлат бўлади. Бу борада бошқача йўл йўқ...

Тўртинчидан, қонун ҳамма нарсадан устун бўлиши керак. Ким бўлишидан қатъи назар — у камбағалми ёки бойми, мансабдорми, йўқми, қонун олдида баробар бўлиши лозим! Чинакам демократик жамиятда президент ҳам, оддий фуқаро ҳам қонунга риоя этади. Бошқа илож йўқ! Юрт фаровонлиги учун меҳнат қилсангиз — раҳмат! Қонунни буздингизми, Ватан бойлигини ўғирладингизми — жавоб беринг!

Ниҳоят, **бешинчидан,** бозорга «юз» ёки «беш юз» кунни ҳисобга олиб ёндашиб бўлмайди. Бу ўринда Шарқнинг турмуш тарзини, руҳиятини, фалсафасини, унинг буюк ислом динини ҳисобга олмоқ зарур! Асосий вазифамиз ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз, очлик, қашшоқликсиз, одамларга зиён етмайдиган тарзда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўтишдан иборат. Бу маънода ҳам Ўзбекистоннинг ўз йўли бор!

Бундай гаплар учун салмоқли далил-исботлар керак, албатта. Мен буни тушунаман. Ҳозир минглаб ёшларимиз Туркия, Америка, Англия, Франция таълим олмоқда. Улар юртимизга энг мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассислар бўлиб қайтадилар.

Аминманки, Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ. Давлатимизда ҳамма нарса: табиий бойликлар, унумдор ер, муқаддас замин, азим дарёлар бор. Бу диёрда меҳнатсевар, истеъдодли халқ яшайди. Хўш, бу — бойлик эмасми!

МУХБИР: Президент жаноблари, кечирасиз, мен аввал берилган саволлардан бирига қайтаман. Ўзбекистонда мухолифат қанчалик ошкора ишламоқда?

ПРЕЗИДЕНТ: Мен Ўзбекистонда Конституция асосий қонун эканини яна бир бор эслатиб ўтишга мажбурман. Унда инсон ҳуқуқлари кафолатланган кўп партиялилик негизидаги сайлов назарда тутилган. Энг муҳими — битта мафкуранинг ҳукмронлиги тугатилганидир. Нега эканини билмайман-у, аммо Ўзбекистонда партия ва ҳаракатларнинг ошкоралиги учун қаттиқ чеклов мавжуд деган фикр хорижда тез-тез такрорланиб турибди. Келинг, ҳаётга, фактларга мурожаат қилайлик. Бизда «Ватан тараққиёти» фирқаси иш олиб борянти, унинг тарафдорлари ҳам анча. Бу фирқанинг бутун республикада тарқатиладиган ўз газетаси ҳам бор. — Бу ўз сафларида бизнесменларни, ишбилармонларни, ўз Ватанини тезроқ бозор иқтисодиёти изига олиб чиқишга интилаётган бошқа кишиларни бирлаштирган партиядир. «Ватан тараққиёти» кучга тўлиб бормоқда. Имоним комилки, бу партия бўлғуси сайлов вақтида парламентда ва жойлардаги ҳокимиятларда анчагина овоз олади.

Иккинчи партия кўпчиликка маълум. У — Ўзбекистон Халқ демократик партияси. Кўплар уни коммунистик партиянинг вориси деб ҳисоблаб, коммунистик партиядан ўсиб чиққан партиялар тоифасига киритишади. Бундай эмас, деб ишонч билан айта оламан!

Рақамларга мурожаат қиламан. Агар Ўзбекистон Коммунистик партияси сафларида 700 мингга яқин киши бўлган бўлса, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига атиги 220 минг киши кирди. Бунинг устига партияга кираётганларнинг асосий қисмини КПСС билан ҳеч бир алоқаси бўлмаган ёшлар ташкил этади. Шуни аниқ айтишим зарур: илгари юз берган номаъқулчиликларда оддий коммунистлар айбдор бўлмаган.

Ўзбекистонда коммунистик партия Россиядаги ёки собиқ Иттифоқнинг бошқа мустақил давлатларидаги каби тугатилгани йўқ. У ўзини ўзи тарқатди! Сиқувлар, қувғинлар, қўрқитувларсиз юз берди бу ҳол...

Ўзбекистон Россиядан келтирилган коммунистик мафкурани қабул қила олмасди ҳам, Европада илдиз отиши мумкин бўлган нарса шарқда униб ўса олмайди. Буни ҳамиша ҳисобга олмоқ керак.

Шундай бир касаллик бор, уни доҳийлик деб аташади. Эндигина бир-иккита шеър ёки ҳикоя ёзган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаган баъзи шуҳратпараст ёшлар ширин орзуларга берилиб, баландпарвоз фикрлар юритишмоқда. Улар ўзларига нега сиёсатга аралашмайлик, нима учун бирор «партия»нинг йўлбошчиси бўлмайлик, президент бўлсак арзимаймизми, ахир бу ҳавас қиладиган иш, деган саволларни беришмоқда. Жаҳон тарихида шундай мисоллар бўлса ҳам, бу иш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Етакчи бўлиш учун ҳаётни билиш, оммага таяниш керак. Бу айниқса Ўзбекистон шароитида муҳимдир. Саволларингиз юрагидан чиқаётганига қараганда, сизлар мухолифатдаги партия учун жуда қайғурянсиз. Лекин сизга ҳам саволим бор: бундай ҳаяжоннинг сабаби нимада? Бу партияларнинг ҳар бир кишига, халқимизга тушунарли бўлган, оғиримизни енгил қиладиган аниқ дастури борми? Бундай дастур йўқ. Ижобий, халқ тили билан айтганда пичоққа илинадиган таклиф ҳам кўринмайди. Олиб борилаётган иқтисод, снёсат нимаси билан сизларга ёқмайди? Айтинглар. Бунга жавоб йўқ. Республика иқтисодиёти тез юксалиши учун нима қилиш керак, Ўзбекистонда жиноятчилик, қонунларни бузиш, ёппасига порахўрлик авж олиб кетмаслигига қандай эришиш мумкин? Собиқ иттифоқнинг бир қанча республикаларида ахир шундай аҳвол юз берянти. Бу саволга ҳам жавоб беришмайди.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида биз иккита асосий вазифани ҳал қиляпмиз. Биринчиси — давлатни барпо этиш, мустақил республикани вужудга келтириш, унинг пойдеворини қуриш; иккинчиси — бозор иқтисодиётига ўтиш. Бунинг учун эса энг муҳими — тинчлик, барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ва миллий тотувлик зарур. Башарти шу мувозанат бузилса, мустақил давлатни барпо этиш хом хаёлдир. Бинобарин, бу мураккаб вазифаларни ҳал қилиш учун кучли ижро ҳокимияти зарур.

Мухолифат тўғрисида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистонда мухолифатнинг иш олиб боришига руҳсат этилган. 1994 йилда бўладиган сайлов энг демократик негизда ўтказилади. Айтмоқчи, Ўрта Осиё минтақасидаги барча республикалар орасида фақат Ўзбекистондагина дастлабки президент сайлови муқобиллик асосида ўтди. Ҳамма жойда Президентликка даъвогарлар сайловчиларнинг юз фоиз овозини олдилар. Мен эса саксон олти фоиз овоз олдим. Бу билан фахрланаман. Чунки, менинг рақибим бор эди. Аммо бу ҳақда нима учундир ҳеч ким гапирмаяпти.

МУХБИР: русча оммавий ахборот воситаларида сизнинг армиянгиз, авиациянгиз Тожикистондаги фуқаролар урушида иштирок этмоқда деган хабар берилди. Айтишларича, Тожикистон мудофаа вазири ҳозирги лавозимини эгаллашдан олдин Ўзбекистон армиясида хизмат қилган экан. Шу гап тўғрими?

ПРЕЗИДЕНТ: Ўтган йилнинг май ойида Тожикистонда тўнтариш юз бериб, фуқаролар уруши бошланган, одамларни қуйдириб, аёлларнинг қорнини ёриб ташлашган, қўлларини кесиб, бошларини танасидан жудо қилишган, хуллас ваҳшийлик билан ўттиз мингдан ортиқ одам қириб ташланган пайтда бу кўргулик кимнинг ёрдами билан бўлмоқда, деб ҳеч ким ўзига ўзи савол бермади. Душанбе атрофидаги даралардан бирида юзта «стингер» ракетаси портлагани яқинда маълум бўлиб қолди. Тожикистонда бундай жанговар қурол ишлаб чиқариладими? Бошқа жойдан эса қўпорувчилик қилиш учун ғамлаб қўйилган 400 тонна портловчи модда топилди. Булар қаердан келган? Ҳозир Тожикистонда Афғонистон, Покистон ва бошқа мамлакатларнинг фуқаролари бўлмиш мужоҳидларни суд қилиш бошланмоқда. Лекин бу ҳақда лом-мим дейишмаяпти.

Ёрдам тўғрисида гапирадиган бўлсак, Тожикистоннинг қонуний йўл билан сайланган ҳукумати мадад беришни сўраб, барча МДҲ мамлакатларига мурожаат қилди. Ўрта Осиёдаги тўрт давлат раҳбарларининг Россия ташқи ишлар вазири ҳам иштирок этган Олмаотадаги Кенгашида Тожикистонга ана шундай ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. 1992 йил май ойида Тошкентда ялпи ҳавфсизлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бу шартномага мувофиқ уни имзолаган етти мамлакатнинг ҳар бири зарур бўлган тақдирда бир-бирига ёрдам бериши шарт. Тожикистонда тартиб ўрнатилиши учун унга халқаро мадад ҳам зарур. Ўз вақтида мен БМТ Бош котиби жаноб Бутрос Ғолийга шундай илтимос билан мурожаат қилган эдим. Лекин ҳозирча, деярли ёрдам ҳаракати сезилмаяпти. Кўпгина буюк давлатлар ҳозир Босния ва Герцеговинада тинчлик ўрнатишга ҳаракат қилишяпти. Бу ҳаракатларга қўшиламан, албатта. Лекин Югославияга кўрсатилаётган эътиборнинг атиги бир қисми энди Тожикистонга қаратилса, тожик халқи ҳам халқаро ёрдам ҳаракатининг натижасини кўрса. Агар бу ерда тинчлик ўрнатилмас экан, оқибати қандай бўлишини айтиш қийин.

Совет қўшинлари Афғонистонга киритилганда жаҳон оммавий ахборот воситалари бу мамлакат ҳақида деярли ҳар куни ёзар эди. Аммо совет қўшинлари Афғонистондан олиб чиқиб кетилгандан сўнг сукунат бошланди. Холбуки, айни пайтда Афғонистонда ярим миллион қуролли одам бор, улар энг замонавий қуроллар, ҳатто ракеталар билан таъминланган. Хўш, жафокаш Афғонистонда нималар бўляпти, у ерда хорижий қўшинлар бўлмаса, нима учун одамлар ҳалок бўлмоқда? Ким қурол-яроғ етказиб беряпти? Бунинг жавоби қийин эмас. Афғонистон кимгадир тутаб турган олов каби зарур, шу олов чўғларини Марказий Осиёдаги мустақил давлатларга олиб ўтиб, уларга тазйиқ ўтказиш мумкин. Бундай ҳаракатлар ёвуз кучларнинг мақсадларига киради.

Ҳозир Афғонистонда қурол-яроғ шу қадар кўп тўпланиб қолганки, ҳисобланса, жаҳондаги бошқа бирон мамлакатда (жон бошига) бунча қурол йўқ. Аммо бу ҳеч кимни ташвишга солмаяпти. Қурол-яроғлар ва наркотик моддалар чегара орқали Марказий Осиё республикаларига ўтмоқда, аммо на Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, на бошқа халқаро ташкилотлар бу чегарани ҳеч қандай назорат остига олмаган. Афғонистонда, Покистонда, Эронда бизнинг минтақамизда қўпорувчилик фаолияти олиб бориш учун террорчилар гуруҳлари тайёрланмоқда. Бунга етарли маълумотлар бор. Тожикистон ҳудудида каллакесарларнинг ҳуружини бостириш чоғида жанговар самолёт ва вертолётлар қатнашган экан, бу МДҲ бирлашган қуролли кучлари қўмондонлигининг ишидир. Тожикистон — ялпи ҳавфсизлик кенгашининг тенг ҳуқуқли аъзоси, бинобарин ҳукуматнинг илтимосига биноан унга ҳар томонлама ёрдам берилмоқда. Бу халқаро қонунларга асосланган тажрибадир.

Энди Тожикистон Республикасининг мудофаа вазири тўғрисида. Маълумки, Тожикистоннинг армияси эндигина тузилмоқда. Бунга қадар бутун собиқ СССР ҳудудида битта армия — Совет армияси бор эди. Шу армиянинг кадрлари ҳозир миллий армияларни тузишмоқда.

МУХБИР: Бундан икки ой муқаддам Тошкентда Ўрта Осиёдаги беш давлат бошлиқлари Марказий Осиё давлатлар минтақасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Шу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳозир қандай ривожланмоқда?

ПРЕЗИДЕНТ: Бу минтақадаги республикаларнинг ўхшаш жиҳатлари кўп. Бу ўхшашлик олдин айтганимдек, маданият, урф-одатлар, анъаналар соҳасида ҳам, энг муҳими эса, иқтисодий салоҳиятни ҳам мавжуддир. Сув, минерал-хом ашё ресурслари шундай салоҳиятни вужудга келтиradiки, у мустаҳкам бирлашиб иш олиб боришни талаб қилади. Шу асосда Марказий Осиё минтақаси барпо этилди.

Бошқа масала — ахборот соҳасида бирлашиш тўғрисида гапирмоқчиман. Тошкентдан бериладиган телекўрсатувларни бешта республиканинг ҳаммасида олиб кўрсатишга қарор қилинди. Бошқа давлатларда ҳам ана шундай каналлар барпо этилмоқда. «Новый день» («Янги кун») минтақаларо газетаси чиқа бошлади. Худди шунга ўхшаган «Осиё» газетаси Олмаотада ҳам чиқади. Буларнинг ҳаммаси халқларимизни бир-бирларига тағин ҳам яқинлаштириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш имконини беради.

МУХБИР: Ҳисоб-китоб маълумотлари тўғрисида бир неча савол. Айтингчи, 1992 йилда саноат ишлаб чиқариши 1991 йилга нисбатан камайдими? Агар камайган бўлса, қанча камайди? Пулнинг қадрсизланиш даражаси ва фаразларга кўра унинг кутилаётган суръатлари, ялпи миллий маҳсулотга нисбатан бюджет камомади қандай? Сизнинг давлатингиз Россиянинг энергетика ресурсларига қанчалик қарам, давлатингиз ўзини ўзи қанчалик таъминлай олади?

ПРЕЗИДЕНТ: Ҳисоб рақамлари — қайсар нарса, уни алдаб бўлмайди. Ўтган йилнинг якунларига кўра, собиқ иттифоқнинг барча мамлакатларида ишлаб чиқариш камайиб кетди. Бизда бу камайиш тўрт ярим фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, бир қанча бошқа давлатларда бу кўрсаткич анча юқори. Россияда йигирма беш, Қозоғистонда — ўн олти ва ҳоказо. Ялпи миллий маҳсулотга нисбатан бюджет камомади беш бутун ўндан олти фоизни ташкил этди. Халқаро стандартларга кўра, бу кўрсаткич меъёрий ҳисобланади ва катта ташвишга сабаб бўлмайди. Шу билан бир вақтда саноатнинг енгил, нефть ва газ, нефтни қайта ишлаш каби тармоқларида ишлаб чиқаришнинг юксалиши кўзга ташланмоқда.

Пул қадрсизланиши тўғрисида гапирадиган бўлсак, рубль зонасидаги бирорта мамлакат ҳам унинг суръатларини аниқ белгилай олмайди. Бунинг калити рубль чиқарадиган марказ Москвададир. Рубль зонасида эканмиз, бошқа давлатлар каби биз ҳам шундай оқим гирдобида бўлишимиз табиийдир. Шунинг учун ҳам ўзимизни ҳимоя тадбирларимизни қабул қилишга мажбурмиз. Шулар қаторида озиқ-овқат товарлари маълум хилларини талон орқали сотиш ва савдода купон системасини жорий этишдир.

Барча қийинчиликларга қарамай, мен келажакка ишонч билан назар ташлайман. Ижобий жараёнлар ҳозироқ сезилиб қолди. Ўтган йили ишлаб чиқаришнинг пасайиши асосан бошқа республикалардан маҳсулот етказиб бериш билан боғлиқ бўлган катта корхоналарда юз берди. Хўжалик алоқаларининг узилиши уларнинг ишига кўпроқ таъсир қилди. Ҳозир биз маҳсулот турларини кўпайтиряпмиз, маҳсулот етказиб беришнинг бошқа йўлларини излаяпмиз, йилнинг дастлабки чорагида Ўзбекистонда ишлаб чиқариш юксала бошлашига ишонаман.

Ҳозир республикада қишлоққа кўп эътибор берилмоқда. Кичик корхоналар ташкил этилмаган бирорта хўжалик бўлмаса керак. Етти юз минг гектардан кўпроқ суғорма ер хусусий кишиларга берилди. Шу туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайди. Жорий йилимиз ўтган йилга нисбатан тағин ҳам самаралироқ бўлади, деб ҳисоблаш учун ҳамма асослар бор.

МУХБИР: Собиқ Совет армиясининг тегишли қисми ўтган йили Ўзбекистон назорати остига ўта бошлаган эди. Бу жараён қандай давом этмоқда? Асосан рус миллатига мансуб бўлган зобит кадрларни сақлаб қолиш учун нима қилмоқчисиз?

ПРЕЗИДЕНТ: Ўзбекистонда ҳарбий доктрина ишлаб чиқилган, парламент эса мудофаа ва қуролли кучлар тўғрисида бир қанча қонунларни қабул қилди. Зобитлар, ҳарбий хизматчиларга ҳақ тўлаш, уларнинг ижтимоий кафолати масалалари ҳал этилган. Хуллас, республика армиясидан кетишга интилаётганлар йўқ.

Қўмондон кадрлар тайёрлаш учун Ўзбекистонда учта ҳарбий билим юрти бор. Уларда таълим олиш учун турли миллатга мансуб кишилар ўқишга кирмоқда, аммо маҳаллий миллат ёшлари орасида ҳарбий касбни эгаллашга интилиш сезиларли даражада кучайди. Шу билан бир вақтда бизнинг армиямиз Россияда ишлаб чиқарилган қурол-яроғлар билан таъминланади. Унинг энг яхши анъаналарини қабул қилиб олади. Шу сабабли Россия армияси билан мустаҳкам алоқа қилиб турибмиз ва қилаверамиз.

Биз катта армия тузмоқчи эмасмиз. Мен Ўзбекистоннинг ҳавфсизлигини таъминлаш махсус зоналарини барпо этиш тегишли умумий шартномаларни тузиш билан боғлиқ иш деб биламан. Россия Марказий Осиёда ҳавфсизликнинг гарови бўлиши керак — менинг фикрим шундай.

МУХБИР: Президент жаноблари, собиқ Иттифоқнинг Жанубий республикаларидан Ғарбга наркотик моддалар оқиб боряпти, деб хавотир олинмоқда. Сиз бундай бўлмаслигига кафолат бера оласизми?

ПРЕЗИДЕНТ: Яхши савол. РАТА-ТАССнинг Париждаги мухбири «Монд» газетасига таяниб, гўё Ўзбекистонда наша етиштириш одат тусига кирмоқда, деб хабар қилганини яқинда эшитиб қолдим. Бундан ҳам бемаъни гапни тасаввур этиб бўлмайди. Биз яқин вақт ичида Интерполга аъзо бўлиб кирмоқчимиз. Бу мўътабар халқаро ташкилот асосан бангфурушлик соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашаётгани сизларга маълум. Ўзбекистонда наша етиштиришга қарши шафқатсиз кураш олиб борилмоқда. Биз «оқ ажал» Покистондан, Афғонистондан, бошқа мамлакатлардан Европага бизнинг худудимиз орқали ўтмаслиги учун ҳамма чораларни кўряпмиз. Бу соҳадаги саъй-ҳаракатларимиз беҳуда кетмаяпти. Масалан, яқинда божхона ходимлари ёнғоқ деб ёзиб қўйилган контейнерларни очиб текшириб кўришди. Аслида бу контейнерларда чиройли халтачаларга жойланган юзлаб килограмм наркотик моддалар бор экан.

Биз наслимиз соғлом бўлишини таъминлашни ўзимизга буюк мақсад қилиб олдик. Дунёда биринчи бўлиб Ўзбекистон «Соғлом авлод учун» деган икки даражали орден таъсис этди. Бизнинг вазифамиз — энг ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиш. Жисмоний, маънавий, моддий жиҳатдан соғлом авлодсиз бунга эришиб бўлмайди. Шунинг учун Ўзбекистонда бангфурушликка, жиноятчиликка қарши олиб борилаётган шафқатсиз курашни авваламбор ўзимизнинг порлоқ келажагимиз учун кураш деб биламан.

Биз турли мамлакатлардаги бангфурушликка қарши кураш соҳасидаги мутахассислар билан яқиндан ҳамкорлик қилибгина қолмай, уларнинг тажрибасини ўрганишимиз ва Интерполга киришимизни тезлаштиришимиз керак.

МУХБИР: Президент жаноблари, сизнинг мамлакатингизда ислом дини қонун-қоидалари тикланиши яққол намоён бўлмоқда. Айни вақтда сиз Ўзбекистондаги барқарорлик учун ислом ақидапарастлиги энг катта хавф эканини бир неча бор айтдингиз. Рисоладагидек ислом билан барқарорлик ва тинч турмушни бузадиган жангари ислом ўртасида чегара борми?

ПРЕЗИДЕНТ: Бултур мен асосий дини ислом бўлган кўпгина мамлакатларга бориб келдим. Маккан Мукаррамада, Мадинан Мунавварада, Эронда, Малайзия, Индонезия, Покистон, Мисрда бўлдим.

Ислом дини мутаассиб дин эмаслигига имоним комил. Қуръонни яхши билган киши бу илоҳий китобда инсонпарварлик, тинчлик, осойишталик ва бошқа динларга муроса билан қараш тарғиб қилинишини жуда яхши билади. Мен мусулмон мамлакатларининг ислом динига ихлосманд раҳбарлари билан учрашдим. Уларнинг ҳаммалари мутаассибликни, экстремизмни қоралайдилар. Ислом дини инсонни гуноҳлардан фориғ қилишига ишонаман. Ҳар бир киши муқаддас нарсага ишонмоғи керак. Кўпол сўз билан айтсам, кечирасиз-у, шунга ишончи йўқ киши ҳайвонга ўхшайди. Буюк файласуфимиз Аҳмад Яссавий шундай фикрларни билдирганлар.

Шу сабабли одамларда динга эътиқод уйғонишини асло қоралаб бўлмайди. Бизда масжидлар тикланмоқда. Қуръон илк марта ўзбек тилига таржима қилинди. Бу бизнинг тарихимизда катта воқеадир.

Хўш, бунинг нимаси ёмон? Илгари одамлар Қуръон сураларини ёд олишардию, бу китобда баён этилган гапларнинг чуқур маъносини кўпинча тушунишмас эди. Энди ҳар бир киши она тилида ислом динининг моҳиятини ўқиб олиши мумкин.

Аммо мен диннинг мутаассиблик мақсадларига, экстремизмга хизмат қилишига бутунлай қаршиман. Мисрда содир бўлаётган портлашларга, қўшни Тожикистонда рўй берган фожиаларга йўл қўйиб бўлмайди! Чунки Мисрда ҳам, Тожикистонда ҳам битта мақсад — муқаддас ислом динидан фойдаланиб, ёвуз ниятли кимсалар ва кучлар ўз манфаатларига эришмоқчилар. Мансабпараст ва амалпарастлар одамларнинг динга бўлган ихлоси, муқаддас ишончи, пок умидларидан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланяптилар. Тожикистон мисолида худди шундай ғаразли режалар учун қанча-қанча бегуноҳ инсонларнинг умрини ҳазон қилиб, ҳеч кечирилмайдиган қурбонларга олиб келинганини кўриш мумкин.

Мавриди келганда шуни айтиб ўтмоқчиман: афсуски, бу борада оммавий ахборот воситалари, жумладан, «Останкино» телевидениеси жуда хунук роль ўйнади. Унинг мухбирлари тоғдан тушиб келган кишиларни «ислом демократлари» ва улар партократияга қарши курашмоқдалар, деб атади. Аммо ҳеч ким Душанбедаги Шоҳидон майдонида турган кишиларга катта пул тўланганини айтгиси келмади. Кейин кима бўлгани ҳаммага маълум — минглаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлди, беҳисоб қон тўкилди. Бунинг учун демократия Тожикистонда бир ниқоб сифатида керак эди. «Демократлар» ҳокимиятга етиб борганларида, автоматлар ишга солинганида шиорлар улоқтириб ташланди.

Ибратли бир мисол. Тожикистон Демократик партиясининг раиси Шодмон Юсуф Тожикистондаги русларни гаровга ушлаб турилган бандилар деди. Ақидапарастлар ҳатто мактаб ўқувчиларини гаровга олишдан ҳам қайтмадилар. Шунда ҳам уларни демократлар деб аташди...

Ҳамиша ҳам бузиш осон, янги уй қуриш анча мураккаб. Шунинг учун ҳам ислом ақидапарастлиги Ўзбекистонга хавф солянтими — деган саволга: хавф солянти, деб жавоб қайтаришим мумкин. Айниқса, биз эркин демократик давлат қураётган ҳозирги пайтда ҳар қандай шаклдаги ақидапарастлик мақбул эмас деб ҳисоблайман.

МУХБИР: Ислом ақидапарастлигига муносабатингиз қандай? Жаноб Президент, ақидапарастликнинг таъсири Ўзбекистонга ҳам тарқалади, деб ҳисоблайсизми?

ПРЕЗИДЕНТ: Назаримда, «ақидапарастлик» тушунчасининг ўзи кенг қамровлидир. Ислом ақидапарастлиги бор, коммунистик ақидапарастлик бор... Булардан иккови ҳам бизга мақбул эмас. Бу ўта номаъқул оқимлар чинакам демократик жамият қураётган давлат учун сира тўғри келмайди. Ўзбекистонда ислом ақидапарастлиги хавфи бор ва бу хавф ортиб бормоқда. Мен мазкур масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Сиз демократик матбуот вакилларисиз, сиз ўз Конституциясида озодликни олий қадрият деб эълон қилган мамлакатларнинг фуқаросисиз, лекин мен саволингизга савол билан жавоб бермоқчиман: Сиз ақидапарастлик, экстремизм билан курашмоқ йўлида биз билан биргамисиз?

Бу ерда мухолифчилар эслатиб ўтилди. Ўзбекистонга ёрдам бериш тўхтатилсин, деб жар солаётган ана шу мухолифиятга тушуниш мумкинми? Буни қарангки,

Ислом КАРИМОВ:

„ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКЛИГИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ!“

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Аммо бу муносабатларда иқтисодий жиҳат билан бир қаторда миллатга дахлдор сиёсий жиҳатни ҳам назарда тутиш лозим. Ўзбекистонда бошқа миллатлар вакиллари қатори икки юз минг корейс ҳам яшамоқда. Биз улар ўзларини худди ватанларидагидек ҳис этишлари учун ҳамиша ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Ўзбекистонда яшаётган барча кам сонли миллатлар ҳақида ғамхўрлик қилиш лозимлиги республиканинг асосий қонунида ҳам ёзиб қўйилган.

МУХБИР: Тожикистонда ўзбек қўшинлари борми, авиациянгиз қўзғолончилар позицияларини бомбардимон қилишда қатнашдими?

ПРЕЗИДЕНТ: Очиғини айтсам, «қўзғолончилар» деган сўз менга номақбул. Ҳозир Тожикистонда кескин сиёсий кураш бормоқда. Шу кураш оқибатида фуқаролар уруши бошланиб кетгани жуда ачинарлидир. Бу урушнинг қўшни республикалар ҳудудига тарқалиб кетишидан худонинг ўзи асрасин. У ҳолда салбий жараённи тўхтатиб қолиш жуда мушкул бўлади. Бу масалада ҳеч ким четда турмаслиги керак.

Шу ўринда бир савол қалқиб чиқади: чегарадош мамлакатларда жанговар тузилмалар тайёрланаётган, Тожикистонга Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Афғонистондан қурол етказиб берилаётган экан, хўш, шундай шароитда Тожикистон ўз чегараларини ўзи ҳимоя қила оладими? Ўзбекистон биродаркушлик урушига чек қўйиш учун имкони бўлган барча ишларни қилмоқда. Аммо халқаро жамоатчилик ҳам бу ўринда ўз сўзини айтиши керак. Жумладан, сиз — журналистлар ҳам ўз сўзингизни айтишингиз лозим. Тожикистондаги вазият ақл бовар қилмайдиган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Буни албатта ҳисобга олиш лозим бўлади. Чегарадаги кучлар ҳисобга олинмаса, Тожикистон ерида Ўзбекистон фуқароси бўлмиш биронта ҳам қуролли аскар йўқ.

МУХБИР: Президент жаноблари, Сиз ўз сўзингизда Россиядаги парокандаликдан хавфсираётганингизни айтиб ўтдингиз. Бу республикада шу яқин орада воқеалар қандай кечади деб ўйлайсиз?

ПРЕЗИДЕНТ: Ростини айтсам, шундай савол берилишини кутган эдим. Буни долзарб савол деб ўйлайман. Мавриди келиб, биз Борис Ельцин билан Москвада икки давлат ўртасида шартнома имзолаганимизда, мен: Ўзбекистон Россиясиз ўз келажагини тасаввур эта олмайди деган эдим. Дарвоқе, ҳақиқатан ҳам шундай: икки томоннинг иқтисодий равнақини ўйласак, бу алоқаларни узиб ташлаш мумкин эмас.

Айни вақтда Россияда олағовур жараёнлар кечмоқда. Сиз, журналистлар Россиядаги сиёсий, конституцион тангликдан яхши хабардорсиз, иқтисодий беқарорлик сабабли бу танглик яна ҳам оғирлашмоқда. Назаримда, юқорида санаб ўтилган кўп воқеалар шу боисдан ҳам содир бўлмоқдаки, баъзи кимсалар ислоҳот барбод бўлгани учун жавобгарликдан қочмоқчилар. Сиёсий олишув авж олиб кетган вақтда иқтисодий соҳада йўл қўйилган камчиликларни босди-босди қилиб юбориш осонроқ-да.

Бир вақтлар мен Горбачевга бошланаётган ўзгаришлар ҳусусида савол бериб, қайта қуришнинг концепцияси борми ўзи, деб сўраган эдим. Бундай савол берилганида ҳамиша унинг жаҳли чиқиб: «сизга ўзи қанақа концепция керак, Наполеон уруш бошлар экан, аввало майдонга тушиш керак, ким ғалаба килишини кейин кўрамиз дерди», деб жавоб берарди. Назаримда, ҳали яқингачаям 300 миллион одам яшайдиган жуда катта мамлакатда бундай ёндошувга йўл қўйиб бўлармиди? Россиядаги иқтисодий тангликнинг сабабларидан бири шуки, аниқ-равшан концепция, ислоҳотларнинг собитқадам дастури йўқ.

Хўш, мен кўпроқ нимага мойилман? Мен Россиядаги ислоҳотлар муваффақиятли бориши учун демократия тарафдориман. Чунки биз бундан ниҳоятда манфаатдормиз. Агар Россия Федерациясидаги ислоҳотлар охирига етказилмаса, агар диктатура ҳокимият тепасига келса, бу албатта бизга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Шу боисдан ҳам биз Ўзбекистоннинг мустақиллигига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидни аниқ-равшан тасаввур этиб турибмиз. Биз Борис Ельцин барча партиялар ва ҳаракатлар билан иттифоқ тузишини истар эдик. Фақат шу тақдирдагина сиёсий олишувлар иқтисодий тараққиётга зиён-заҳмат етказишини, Россия устида пайдо бўладиган хавф-хатарни бартараф этиш мумкин.

Шуни таъкидламоқчиманки, Ельцин ўз йўлига тузатишлар киритиши керак.

МУХБИР: Жаноб Президент, учрашув учун, саволларимизга шу қадар батафсил жавоб берганингиз учун катта раҳмат. Биз Ўзбекистон журналистлар уюшмасидаги ҳамкасбларимизга ана шу учрашувни ўтказишда кўрсатган саъй-ҳаракатлари учун миннатдорлик билдирмоқчимиз...

ПРЕЗИДЕНТ: Жаноб Марко Полити, маъзур тутинг, ўзингиз савол бермайсизми?

МУХБИР: Бажонидил. Сиз Россия мазкур минтақа хавфсизлиги учун кафолат бўлиши керак деб айтдингиз. Ельцин эса Россия собиқ Совет Иттифоқидаги тинчлик учун кафолат бўлиши керак деган эди.

ПРЕЗИДЕНТ: Саволингизга тушундим. Ҳозир мустақил бўлган Ўрта Осиёдаги барча республикалар Россия билан чамбарчас боғланган. Фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, аввало, хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам боғланган. Ўзаро алоқаларимиз жуда мустаҳкам. Ўзбекистонда бир миллиондан кўпроқ руслар яшамоқда. Агар бутун минтақа миқёсида оладиган бўлсак, бундан анча кўп. Маънавий қардошлик ҳам бизни боғлаб турибди. Мен амалиётчиман, шу боисдан ҳам бизнинг манфаатларимиз билан Россиянинг манфаатлари чамбарчас боғлиқ деб ҳисоблайман. Россия ўзининг куч-қудрати билан Марказий Осиё хавфсизлигининг кафолати бўлиши керак. Лекин битта шарт билан: ўзининг мустақиллигини ҳурмат қиладиган давлат бошқаларни ҳам истиқлол йўлидаги қадамларига кўмаклашиши зарур. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Бизда мустақил армия бўлган тақдирда ҳам улар Россия армияси билан дўст бўлади, албатта. Мен Россиянинг келажагига ишонаман ва жами орзуларимизнинг ушалишини унинг юксалиши билан боғлайман. Бу давлат албатта илғор марраларга чиқади, биз ҳаммамиз биргаликда кўп ютуқларни қўлга киритамиз.

МУХБИР: Ташаккур. Биз бу ошкора мулоқотни узоқ вақт эслаб юрамиз.

** Газетанинг шу сонига*

УМУМШАҲАР ҲАШАРИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

...ПОЙТАХТИМИЗ жаҳондаги энг озода, кўкаламзор ва гўзал шаҳарлардан биридир. Тошкент Шарқнинг снёсий, илмий ва маданий ҳаёти маркази, ғоят муҳим транспорт тармоғи, энг йирик саноат шаҳри ҳисобланади. Тошкентдек пойтахт шаҳарда яшаш ва меҳнат қилиш унинг ҳар бир аҳолисида нфтиҳор ҳис-туйғуларини уйғотиш билан бирга зиммасига шаҳарнинг кўп асрлик маданнят ва чиройини янада юксалтириш масъулиятини ҳам юклайди, — дейилади. Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасининг Тошкент шаҳри меҳнат жамоалари, маҳаллалари ва аҳолисига Мурожаатида.

Чиндан ҳам барчамиз шунингдек бағри кенг, меҳмондўст, гўзал шаҳарда яшаётганимиз билан фахрланишимиз керак. Шундай экан, ўз шаҳрини севган ҳар бир киши унга заррача доғ туширмасликка ҳаракат қилиши, унинг ободончилиги ва фаровонлиги йўлида қўлидан келганча ўз ҳиссасини қўшиши лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда 13 март куни бутун шаҳар аҳолиси томонидан ўтказилган ва ҳақиқий меҳнат байрамига айланиб кетган умумхалқ ҳашарини пойтахт фуқароларининг ўз шаҳрига бўлган нҳлоси ва садоқат рамзи деб тушунмоқ керак.

Эрта тонгдан бошланган карнай-сурнай садолари ўз иш жойи томон ошиқаётган одамлар қалбига гўё тетиклик ва кўтаринки кайфият бағишларди. Саҳардан ўз эшикларини очган саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, турли муассасалар, одатдагидан гавжум бўлди. Ҳашар пойтахт кўчаларида, ҳиёбонларда, маҳалла-ю, даҳаларда икки кун давом этди. Чунки 13 март куни ншхоналарида ишлаб берган кўплаб ҳамшаҳарларимиз, эртаси куни эса қалб амри билан ўзлари яшаб турган ҳудудларда ҳашар ўтказдилар.

Шу куни мухбиримиз умумшаҳар ҳашарини ўтказиш ташаббускорларидан бири Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб, у ерда олиб борилган ишлар билан қизиқди.

Байрамона безатилган корхона ҳовлисига кириб келаётган одамлар оқимининг кети узилмайди. Бирлашма маъмурияти гўё катта тўйга ташриф буюрган меҳмонларга пешвоз чиққандек ишчи ва хизматчиларни хуш кайфият билан кутиб олмоқда. Кенг ҳовлидан ўрин олган ёш санъаткорлар бир зум бўлсада ҳашарчиларга қувонч бағишлашга ҳаракат қилишади. Савдо ходимлари гўё бор бисотини тўкиб солгандек. Савдо дастурхонлари нозу неъматлар билан тўлиб-тошган.

Эрталаб соат 8. Ҳамма ўз иш жойидан ўрин олди. Қисқа табрикдан сўнг қизғин меҳнат бошланиб кетди.

— Бугун ҳар қачонгидан самаралироқ ишлашга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди бизга пешвоз чиққан бирлашма бош директорининг муовини Давид Берштин. — Бугун ҳашар нафақат корхона ичкарисида, балки унинг ён бағрида қад кўтарган янги кўп қаватли уйларда, бирлашма маданият кошонасида, ишчилар яшайдиган ётоқхоналарда, болалар боғчаларида ҳам олиб борилмоқда. Бу жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва озодалик ишлари кетмоқда. Турар жойларини тартибга келтирувчиларга эса таъмирлаш материаллари ҳамда техника воситаларидан ёрдам бераяпмиз. Мавзеларни ободонлаштиришда бугун бизга 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти талабалари ҳам ёрдам беришмоқда.

Иш жараёни билан танишиш мақсадида корхона 5-цехида бўлдик.

— Бирлашмада қарийб 22 йилдан бери ишлайман, — дейди чилангар-пайвандчи Шокир Айитов. — Шунча йилдан бери корхонамизда шанбалик бугунгидай уюшқоқлик билан ўтаётганини эслолмайман.

— Бизнинг жамоа ҳам бирлашма фаолларидан ҳисобланади, — гапга қўшилди 27-цех токари Рустам Маҳмудов. — Шунинг учун биз ҳам бугунги ҳашарда самарадорлик ва сифатга эришишга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳашарда бирлашманинг 4 мингга яқин ишчи ва хизматчилари қатнашди. Улар томонидан ҳаммаси бўлиб 13 миллион 61 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шу куни корхона ишчи-хизматчилари топилган маблағнинг 800 минг сўмини раҳм-шафқат мақсадларига сарфлашга қарор қилдилар. Жумладан, «Наврўз» жамғармасига 150 минг, «Маҳалла» ҳайрия жамғармасига 100 минг, Шароф Рашидов жамғармасига 20 минг, муҳтожларга ёрдам бериш мақсадида 50 минг ҳамда корхона ишчи ва хизматчиларини ижтимоий ҳимоясига 480 минг сўм ажратилди.

Шунингдек, шу куни ташаббускор жамоалардан В. Чкалов номли самолётсозлик, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, йўловчи транспорти корхоналарининг уюшмаси, Собир Раҳимов тумани «Намуна» маҳалласи, Тошкент автомобиль йўллар институти ҳамда бошқа жойларда ҳам умумшаҳар ҳашари зўр уюшқоқлик билан ўтди.

Хуллас, Наврўзи олам арафасида ўтказилган бу ҳашар тошкентликларнинг ушбу баҳор байрамига кўраётган катта тайёргарлигининг дебочаси бўлди.

Ғулом ЮСУПОВ.

Наврўзга бағишланган умумшаҳар ҳашарида фаол қатнашган «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ойбек маҳалласи ва Савдо жиҳозлари заводида бўлиб ўтган меҳнат байрамидан лавҳалар.

Андрей Пишненко суратлари.

Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ташкилий комитети ҳонасида Ўзбекистон халқ артисти, Наврўз байрами тантаналарининг бош бадиий раҳбари Рустам Ҳамидовни қизғин мунозара устида учратдик. У деворга ўрнатилган Халқлар дўстлиги майдони чизмасига қўйилган белгилар ҳусусида атрофдагиларга бир нималарни қизғин тушунтирарди.

Рустам Ҳамидов сал бўшаганда мақсадимизни англатдик. У ҳижолатомуз елка қисди ва деди:

— Ўтказиладиган байрам тадбирлари ҳусусида сизга постановкачи-режиссёр Ҳамиджон Икромов айтиб берса бўладими? У ҳам барча тадбирлардан хабардор, баравар ишлаяпмиз.

Тошкент Давлат маданнят институти доценти Ҳамиджон Икромов бизга қилинаётган ишларни батафсил ҳикоя қилиб берди .

— Ҳамиджон ака, дастлаб байрам томошаларининг мутасаддилари ҳақида муштарийларимизни хабардор қилсангиз.

— Бажонидил. Боя айтиб ўтганимдек Рустам Ҳамидов бош корфармонимиз. Бундан ташқари Эдуард Колосовский оммавий саҳналар бўйича, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Қодир Мўминов ва Шокир Аҳмедовлар балет ва рақслар бўйича, Маннон Убайдуллаев эса қадимий жанг саҳналари бўйича постановкачи режиссёр ҳисобланишади.

— Наврўз байрами томошалари асосан қаерларда ўтказилади? Ҳамшаҳарларимизни қайси майдонларда тантаналар кутади?

— Барчанинг хабари бўлса керак, Наврўз Халқлар дўстлиги саройи олдидаги кўркам майдонда бошланиб Ўзбекистон Миллий боғи, пойтахтимиз туманлари марказларида, маҳаллаларда давом эттирилади. Афсонавий улкан саҳнада то Бешёғоч даҳасига қадар эрталабдан дастурхонлар ёзилади. Пазандаларнинг маҳорати билан тайёрланган анвойи таомлар, Наврўз гиёҳларидан ёпилган сомсадан тортиб чучвараларгача ушбу дастурхонларни безайди. Катта дошқозонларда тайёрланадиган сумалак ва ҳалимларни айтмасам ҳам бўлади.

Шу куни шаҳримиздаги 11 та туманнинг ошпазлари, қандолатчилари, умуман Наврўзда иштирок этадиган одамлар учун махсус ўринлар ажратилади. Ҳар бир туман ўзига хос сифатда тантанага тайёргарлик кўради. Бу ерда анъанавий гўзал қасрларни ҳам, фақат ўзбекларгагина хос бўлган нақшинкор ҳовли, айвон, уйларни ҳам кўриб ҳайратга тушасиз.

Туманларга ажратилган жойнинг рўпарасида, яъни то Навоий ҳайкалининг пойгача ўнлаб чодирлар тикилади. Уларда шаҳримизда фаолият кўрсатаётган миллий марказларнинг вакиллари ўзларининг маданияти, урф-одатлари, расм-русмларини намойиш қиладилар, Наврўз файзига файз қўшадилар.

Айнан шу ерда улкан дор тикилади. Республикамизнинг энг уста дорбозлари ўз санъатларини ҳамшаҳарларимизга тақдим этадилар. Дор остидаги майдонда эса халқимизнинг азалий ўйинлари ижро этилади. Бунда ҳам республикамизнинг ҳамма вилоятларидан ташриф буюрган халқ ўйинлари усталари иштирок этадилар.

Навоийнинг улуғвор ҳайкали пойига эса мисли кўрилмаган катта саҳна ўрнатилади. Бу саҳнада халқимизнинг ардоғида бўлган қўшиқчилар, раққосалар ва раққослар ўз санъатларидан барчани баҳраманд қиладилар. Бу томошалар то кечгача давом этади.

— Ҳар йили бўлгани каби болалар ҳам унутилиб қолдирилмаган бўлса керак?

— Албатта. Мустақиллик майдони тўлалигича республикамизнинг келажаги бўлган болалар ихтиёрига бериб қўйилади. Бу ерда катта байрам сайли ўтказилади. Энг яхши болалар рақс ва ашула дасталари ва дастурлари билан иштирок этаётганларини намойиш этадилар. Истаган киши 15—20 дақиқада ўз суратини чиздириб олиши мумкин. Бу ерда ҳам санъаткорлар хизматда бўладилар. Яна цирк майдонида ҳам Халқлар Дўстлиги майдонида бўлгани каби тантаналар ўтказилади. Бу ерда эса Аброр Ҳидоятов номли ўзбек Давлат драма театрининг артистлари ҳозирнозир бўладилар.

— Наврўз тантаналарининг асосий очилиш маросимлари қандай бўлади?

— Тантаналарнинг очилиш маросими соат 11.00 га белгиланган. Бу ердаги воқеалар бутун байрамнинг юраги десак бўлади. Ярим соат давомида «Марҳабо, Наврўз» ва «Наврўз муборак» номли хореографик сюиталар ижро этилади. Бу беқиёс, театрлаштирилган томошаларда «Баҳор», «Шодлик», «Зарафшон», «Тановар», «Лазги» ашула ва рақс дасталари, болалар орасида машҳур бўлган «Чаман» ва «Юлдуз» дасталари ҳам иштирок этади. Бундан ташқари 11 та туманнинг бадиий ҳаваскорлари ҳам қатнашадилар. Тантанали очилиш маросимининг умумий номини «Дебоча» деб атадик.

Наврўз байрамига кўрилаётган тантаналарнинг ниддан-ниғасигача батафсил ҳикоя қилаб бериш мушкул. Яхшиси, азиз ҳамшаҳарлар, ўша куни Халқлар дўстлиги майдонига ташриф буюрсангиз, сўзларимиз қанчалик ростлигига амин бўласиз.

Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

** Тошкент Наврўзга тайёрланмоқда*

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МАЙДОНИДАН БОШЛАНАДИГАН БАЙРАМ

ЯҚИНДА «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-филиалида бўлдик. Бирлашманинг бош муҳандиси Зиёда Юнусова билан цехларни айланганимизда, тикув машиналарининг бир маромда ишлашию, чевар қизларнинг нафис қўллари яратаётган харидоргир маҳсулотларга яна бир бор ихлосимиз ортди. Зиёда опанинг айтишига қараганда, бу ердан чиқаётган ҳар бир маҳсулотнинг тикилиши ва сифатига жиддий эътибор қилинаркан. Афсуски, бугунги кунга келиб дазмол аппаратлари эскирганлиги сабабли тайёр маҳсулот сифатига путур етмоқда. Лекин шундай бўлишига қарамай филиалнинг мингдан ортиқ ишчилари халқимизга талабгор маҳсулотлар етказиб беришга ҳаракат қилишяпти.

** Меҳнат жамоаларида*

Харидорларга манзур

— Ўтган йилги режани ошириб билан бажаришда 7-цех тикувчиларининг ҳиссалари катта бўлди, — дейди ҳамроҳимиз.

Лариса Панова 29 йилдирки шу бирлашмада меҳнат қилиб келаркан. Айни пайтда 400 нафар ишчи ишлайдиган цехга бош-қош. Ўзбек удумларини ўз қалбига бутунлай сингдириб юборган бу аёл тўйу, маъракалардан ўзини четга тортмайди. Унинг бир қиз, бир ўғли ва турмуш ўртоғи ҳам у билан ёнма-ён ишлашмоқда.

Лариса Панова раҳбарлик қилаётган цехнинг бошқаларидан фарқи ойлик маошнинг катталиги, бажарилаётган иш сифатлилиги ва кунлик норма бир маромда ортиғи билан бажарилиши билан ўзгалардан ажралиб туради. Бу ерда икки сменада меҳнат қилинади. Кунлик норма эса доимо бажарилади.

Биз шу етакчи цехнинг илғор бригада бошлиғи Мукаррам Қудратова билан ишчиларнинг бугунги иқтисодий тақчилликдаги шароитлари ҳақида баҳслашдик.

— Айни пайтда бригадамиз жамоаси 61 нафар кишидан иборат, — деб гап бошлайди Мукаррама опа.— Цех бошлиги Лариса Пановадан нолимаймиз. У кищи билан узоқ йилдан буён бирга меҳнат қилиб келяпмиз. Маошимиз ҳам ёмонмас. Энг ками 10 минг. Ишдан бўш вақтларни унумли ўтказамиз. Баъзан 15—20 дақиқа ўзаро жамоамиз ёшлари билан ахлоқ-одоб юзасидан суҳбатлашамиз. Бригадамизда З. Ғуломқодирова, Д. Юсупова, Ш. Эргашева, М. Асханова, Н. Абдуллаева каби пешқадам чеварларимиз бор.

Бирлашманинг 5 ва 6-цехлари ҳам режаларини ўз вақтида уддалаётганлигини таъкидлаш лозим. Бу цех чеварлари эркаклар учун ёзги кўйлак ва шим, шунингдек, спорт куртка-шимларини тикишмоқда.

Комил УЛУҒОВ.

«Лола» атир-упа фирмасининг илғор ишчиларидан бири Раъно Исоқбоева бу ерда 10 йилдан бери меҳнат қилиб, ҳамкасблари олқишига сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: Раъно Исоқбоева.

Рустам Шарипов суратн.

** «О2» хабар беради*

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Март ойнинг дастлабки ҳафтасида Тошкентда жиноятчилар 290 марта шаҳримиз аҳолисн ҳаловатини бузишди. Қувонарли томони шундаки, ушбу жиноятлардан 235 таси «иссиғида» очиб ташланди. Таққослаш учун айтиш мумкинки, ўтган йилнинг худди шу кунларида 414 та жиноят рўй бериб, «ишлар босилиб» улгурмасдан 255 таси фош этилганди.

● 2 март куни кечқурун А. Фитрат кўчасидан эркак кишининг мурдаси топилди. Кейинчалик кўкрак қафаси орқали жароҳат етказиб ўлдирилган кимса енгил конструкциялар заводининг конструктори эканлиги аниқланди. Миробод тумани Ички ишлар бошқармаси махсус тезкор гуруҳининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари натижасида ушбу қотилликни амалга оширган Фурқат номли истиқрат боғининг хизматчиси қўлга олинди.

● 3 март куни номаълум кимса тан жароҳати етказиш билан қўрқитиб 127-автобаза ҳайдовчисининг 20000 сўм пулини тортиб олган ва жуфтакни ростлаган. Милицияга бу ҳақда хабар берилгач, Собир Раҳимов тумани ички ишлар бошқармасининг тезкор тергов гуруҳи томонидан тез орада мазкур жиноятни амалга оширган, муқаддам судланган, ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган 1964 йилда туғилган кимса ушланди.

● 4 март куни Улуғбек кўчасида сил касалликлари институти ҳудудида ҳеч қаерда ишламайдиган 1972 йилда туғилган йигит жисмоний куч ишлатган ҳолда пойтахтдаги мусиқа билим юртларидан бирининг талабасининг номусига тажовуз қилган. Ҳозир мазкур жиноят юзасидан жиноий иш очилган, тергов ҳаракатлари кетмоқда.

● 5 март куни уч номаълум кимса «Аллигатор» кичик корхонаси директори Ўринбосарининг Алимкент кўчасида жойлашган хонадонига бостириб кириб пичоқ билан дўқ уриб, уй соҳибининг «Панасоник» телевизори, «Орион» видеомагнитафони ва «Касис» мусиқали марказини олиб бир пасда кўздан йўқолганлар. Бу ҳақда хабар етиб келгани ҳамоно Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг жиноят қидирув хизмати ходимлари дарҳол ишга киришишди. Натижада жиноятчилардан бирининг шахси аниқланди. Ҳозир унинг шериклари изланмоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг матбуот шўъбаси.

** Ҳодиса*

ЎҚҚА ТИК БОРИБ

БУ воқеа 11 март куни содир бўлди. 7-такси саройнинг ҳайдовчиси мижозини Гвардия кўчасидаги айтилган манзилга элтиб қўйган бўлса-да, бироқ йўл ҳақини олиш ўрнига... пешонасига тиралган тўппончани кўрди. Йўловчи қўрқувдан ўзини йўқотиб қўйган ҳайдовчидан шундай йўл билан бор пулини беришни талаб қилди. Сўнг 7 минг сўмлик кунлик тушуми ва унинг ўзига тегишли бўлган пулларни тортиб олиб, машинадан тушганча жуфтакни ростлади.

Тезда ўзига келган ҳайдовчи талончини ушлаш ҳаракатига тушди. Атрофда юрган болаларни кўриб, уларга бўлган воқеани гапириб берди ҳамда ёрдам беришларини илтимос қилди. Воқеани англаган йигитлар вазиятни тушуниб, қўрқмасдан «қочоқ» кетидан қува бошлашди. Ортидан кўпчилик қувиб келаётганини кўрган жиноятчи тўппончасидан ўқ узиб икки болани ярадор қилди.

Ўқ товушларини эшитган Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг ходими, милиция лейтенанти Абдусамат Ғуломов шу ондаёқ ўз уйидан отилиб чиқди. Яшин тезлигида вазиятни баҳолагач, қуролли талончининг кетидан қува бошлади. Чита кўчасида унга етиб олди, ярадор бўлишига қарамай жиноятчини ерга ағдариб, қуролини тортиб олди. Сўнг унинг қўлини кишанлаб, талончини яксон қилиб ташлашга тайёр турган халқдан ҳимоя қила бошлади.

Зудлик билан етиб келган тартиб посбонлари жиноятчини Юнусобод тумани ички ишлар бошқармасига олиб кетишди. Ярадор бўлган мард йигитларга эса касалхонада зарур тиббий ёрдам кўрсатилди.

Ҳозир ушбу ҳодиса юзасидан жиноий иш қўзғатилган, тергов ҳаракатлари кетмоқда. Ҳозирча аниқ маълумотлар шундан иборатки, ушланган жиноятчи Кутанси шаҳрининг фуқароси бўлиб Тошкентга 7 март куни келган. Ўзининг айтишича, тўппончани Йўлдош шаҳарчасидан топган.

Шу ўринда қуролли жиноятчининг жуфтакни ростлаб яна бошқа қинғир ишларини амалга оширишига йўл қўймаган Абдусамат Ғуломов ва ёш йигитларнинг дадилликлари ва кўрсатган жасоратига таҳсинлар ўқигинг келади.

Радик СОЛИЕВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг ходими, милиция лейтенанти.

Мирзо Улуғбек туманидаги Файзулла Хўжаев номли 248-ўрта мактаб ўқитувчилар жамоаси болалар тарбиясида ота-оналар, оталиқ ташкилотлар ва маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

— Ҳар ойда икки марта мактабимиз атрофидаги бешта маҳалла комитети фаоллари билан учрашиб иш режаларимизни белгилаб оламиз, — дейди мактаб директори Муҳаббат Абдуллаева. — Биргаликда тарбияси оғир болаларнинг масаласини муҳокама қиламиз.

Яқинда «Аҳиллик» маҳалласида бир тадбир ўтказдик. Унда ота-оналар, мактаб ўқитувчилари, ўқувчилар, маҳалла фаоллари қатнашиб, муаммолар очиқ муҳокама қилинди.

СУРАТДА: учрашувдан лавҳалар.

Рустам Шарипов суратлари.

* *Санъат хабарлари*

ХОНАНДАЛАР КЕЧАСИ

ЎЗБЕКИСТОНДА мусиқа санъатининг тараққий этишида муҳим роль ўйнаётган Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси Марказий Осиёдаги мусиқа олий ўқув юртларининг қалдирғочи ҳисобланади. 1936 йилда ташкил этилган бу маскан минтақамиз учун юқори малакали мусиқачи ҳамда қўшиқчиларни етиштириб бермоқда.

Бугунги кунда консерваторияга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор О. Юсупова раҳбарлик қилмоқда. Янгирмадан ортиқ кафедрада 25 нафар профессор ва фан доктори, юз нафарга яқин доцент ҳамда фан номзодлари, халқ артистлари, хизмат кўрсатган артистлар ёшларга мусиқа сирларини ўргатиб келмоқдалар. Устозларнинг мусиқа шинавандалари, талабалар учун концерт дастурлари намойиш этишлари анъанага айланган.

Яқинда консерваториянинг катта концерт залида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Вокал мусиқаси кечасида якканавоз вокаль кафедрасининг етакчи профессор ўқитувчилари ўзларининг ижрочилик маҳоратларини кўп сонли қўшиқ ихлосмандларига ҳавола этдилар.

Ўзбекистон халқ артисти, профессор Насим Ҳошимов кечада С. Раҳманиновнинг «Алеко» операсидан ижро учун энг мураккаб бўлган «Алеко каватинеси»ни, шунингдек Т. Содиқовнинг Туроб Тўла сўзига ёзган «Жонон кўринур» романсини катта маҳорат билан ижро этди. Республикада хизмат кўрсатган артистлар Усмон Тошматов ва Ҳалил Абдуқодиров, республика танловининг совриндорлари Мавлуда Ўринбоева, Шоҳида Тўхтабоева, Малика Маматова, Анатолий Петров-Далверзинский, София Цойлар ҳам ажойиб асарларни йиғилганларга тақдим этишди.

Кечада мумтоз композиторлардан Пётр Чайковский, Жорж Бизе, Жакома Пушчини, Михаил Глинкаларнинг оламшумул асарлари билан бирга Ўзбекистон композиторларидан Сулаймон Юдаков, Мутал Бурхонов, Собир Бобоев, Сайфи Жалил ва бошқа бастакорларнинг ижод намуналари ҳам барчада катта қизиқиш уйғотди.

Хонандаларнинг ўзига хос баҳсида таниқли санъаткорлар иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Рустам ХУЖАЕВ,
доцент.

Қизиқарли учрашув

ТАНИҚЛИ санъат арбоби, халқ артисти, Давлат мукофотлари совриндори Зикир Муҳаммаджоновнинг театр, кино, телевидение ва радиода яратган 300 га яқин ранг-баранг образлардан яхши биламиз.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида севимли актёр билан бўлган учрашув жуда қизиқарли ўтди.

Талабаларга актёр ўзи яратган Навоий, Беруний, Амир Темур ролларидан монолог ва парчалар ижро этиб, кўпгина саволларга жавоб қайтарди ҳамда Жазоир киночилари билан яратилаётган «Сўғдиёна» номли кўп серияли рангли фильмда бош роллардан бирини яратиб, томошабинларни тез кунларда хушнуд қилажаги ҳақида сўзлаб берди.

Мурод АБДУЛЛАЕВ.

* *Наботот оламида*

ЎСИМЛИКНИНГ НОЁБ ХИСЛАТИ

ЎТ-ўланлардан ҳар хил доридармонлар тайёрлаб, турли дардларга малҳам қўйиш башариятнинг азалий удумларидан биридир. Аммо жониворлар ҳам ўзига керакли шифобахш ўтларни ҳеч иккиланмасдан топа олар экан. Болгариялик башоратчи аёл Ванга икки кўзи кўрмаса ҳам дорилик учун шифобахш гиёҳларни топиб беради. «Ўз хосиятлари тўғрисида ўтлар менга ўзи айтиб беради» деб тушунтиради у ўз қобилиятини.

Ўсимликларнинг сезиш қобилияти ҳамда уларнинг одамлар билан алоқа қила олиш хусусиятини текшириш жараёнида ҳинд олими Чандр Бос жуда йирик илмий кашфиётнинг муаллифи бўлди. Олимнинг ушбу кашфиёти хулосасига кўра тирик организмлар ривожланишнинг турли поғонасида туришига қарамай маълум бир маънода бир-бирини тушуна оладиган умумий тилга эга экан. Шу туфайли бирининг бошига тушган яхши-ёмон вазиятни иккинчиси шу заҳотиёқ сеза олади.

Клеткали бир ўсимликка ёқимсиз таъсир этилса унга алоқаси бўлмаган колба ичидаги бегона ўсимликда ҳам худди шундай ўзгариш ўз-ўзидан пайдо бўлар экан. Бундан ташқари ўсимликлардаги электр импульслари ва уларда пайдо бўладиган жараёнлар одам ва жониворлар танасида ўтадиган худди шундай импульс жараёни ўртасида кўпгина умумий белгилар борлиги аниқланган. Ривоятлардаги Гўрўғли, Алпомиш каби ботирларимиз минган отлар эгаларининг юз тузилиши, қошқовоғи ва ҳидидан сеза билиши уларга бу хислат ўсимликлардан ўтган эмасмикан, деган саволни пайдо қилади.

Америка криминалистлари ўсимликларнинг ушбу ноёб қобилиятини қайта текшириши натижасида ўзига хос ютуқларга эришдилар. Масалан, К. Вакстер ўлим ёқасидаги жонивор ёнида турган ўсимликларда ўзгаришлар содир бўлишини кузатиб жониворнинг ўлимида ўсимликларни гувоҳликка ўтказиш мумкинлиги ҳақидаги янги ютуқларни қўлга киритди.

Инглиз профессори Д. Уотсоннинг тажриба орқали олган маълумоти криминалистлар учун янгилик бўлди. У олти кишини бир-бирига ўхшаш икки ўсимлик сақланаётган хонага ўн дақиқа чамаси киритиб, кейин чиқариб юборган. Шу олти кишининг бири ўсимликнинг биттасини синдириб кетади. Улар ўша хонага қайтадан, аммо энди битта-битта киритилганда беш кишига «садосиз» турган омон қолган ўсимлик олтинчи, яъни гулни синдирган киши хонага кирганда салбий акс таъсир берган. Гулга уланган махсус қурилма кўрсаткичи сезилар-сезилмас ҳаракатга келган.

Тажрибадан кўринадики, нафақат инсон ёки жонивор, ҳатто ақлсиз ўсимликлар ҳам ёвузликни ёмон кўришар экан. Ҳа, ўтнинг ҳам жони бор. Табиатнинг адолатли тарзда яратилганини яна қандай исботлаш мумкин?

Қидирбой ТУЛАБОЕВ.

* *Ҳар тўғрида*

Изқувар ит

МЕКСИКАДА гиёванд моддаларни истеъмол қилувчиларга бу заҳри қотилни етказиб берувчи «Морко» лақабли итни ўлдирган кишига 25 минг доллар мукофот тайинланган. Морко уч яшарли овчи ит бўлиб, айтишларича соатига 100 километр тезликда юрадиган автомобилга беркитилган наркотик моддани ажрата олар экан. Полиция шубҳаланган автомобиль ортидан боради ва бир неча дақиқадан сўнг Морко автомобилда наркотик модда борми ёки йўқлигини аниқлаб беради. Морконн тарбиялаган Хенд Александрнинг айтишича, бу ит шу кунгача 7 тоннадан ортиқ марихуанна, 500 килограмм кокаин ва тахминан 8 килограмм креонни ҳидидан топиб берган. Морконинг сезгирлиги сабабли юздан ортиқ гиёванд моддалар билан шуғулланувчи кишилар турмада яшамоқдалар.

ҲАЕТДА «ўқиб-ўрганолмай» қолганларга таълим бериш Хитойда кенг йўлга қўйилмоқда экан. Озодликдан маҳрум этилганларга ҳибсхоналарда махсус ўқув қароргоҳлари жорий этилмоқда.

* *Ажойиботлар қомуси*

ҲИБСХОНАДА БИЛИМ ЮРТИ

Ҳаттоки Хитой адлия вазири Цой Чэн Ляонин, Шаньдун, Хэнонь вилоятларидаги ахлоқ-тузатиш колонияларидаги ўқув қароргоҳлари бошлиқларига «Махсус мактаб аълочиси» деган ёзувли нишонлар топширди.

«Ҳибсхонадаги маҳбусларнинг бундай «савод чиқаришидан» кўзда тутилган мақсад, — деб ёзади «Жэнмин Жибао» газетаси, — уларни қайта тарбиялаш ва улардан мутахассислар тайёрлашдир. Ҳозирги кунда Хитойдаги 70 фоиз лагерларда махсус мактаблар очилгани, уларда миллиондан ортиқ маҳбус касб-ҳунар ўрганаётгани фикримизнинг далилидир».

Мактабларда фақат касб-ҳунар ўргатиш билан чекланиб қолинаётгани йўқ. Уларга «маданий сабоқ» ҳам берилмоқда. Шу тариқа улар озодликка чиққанларидан кейин қўлларига мактабни тугатганлик ҳақидаги гувоҳнома топширилади.

Хитойлик маъмурлар собиқ тартиб ва қонун бузувчиларни ишга жойлаштириш борасида катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Фақатгина Пекининг ўзидагина ўтган йилларда 90 фоиздан зиёд «собиқ маҳбус» меҳнат фаолиятини бошлади. Маҳаллий муниципалитетлардан бирининг иш билан таъминлаш бўлими бошлиғи У. Аньтайннинг таъкидлашича уларнинг ҳаммаси давлат корхоналарига ишга қабул қилинган. «Барибир, — дейди у, — уларда маълумотнинг пастлиги ва ҳунарманд сифатида малаканинг камлиги шундоққина сезилиб туради. Барибир нима бўлганда ҳам меҳнат меҳнат-да. Улардан умидимиз катта».

Турсун АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

* *Инсониятни ўйлантираётган хасталик*

ЧЕГАРА БИЛМАЙДИГАН ЎЛАТ

Америка баскетболининг энг машҳур вакили Мэджик Жонсон журналистлар билан ўтказилган матбуот конференциясида ўзининг ОИТС (СПИД) билан хасталанганлигини эълон қилди.

Яқинда яна бир спорт «юлдузи», теннисчи Артур Эш қон қуйиш даврида юқтирилган ОИТС хасталигидан 49 ёшида вафот этди.

(Матбуот хабарларидан).

ЯҚИН-яқинларгача барчамиз инсониятни учинчи жаҳон урушигина ер юзидан йўқ қилиб юбориши мумкин, дея эътироф этардик. «Совуқ уруш» шамоллари жон қушимизнинг патларини тўзғитиб, баданимизни товуқ этидек қилиб ташларди. Қўрқардик... Яшагимиз келарди... Давлат раҳбарлари замонавий ракета қуролларини қисқартириш юзасидан шартнома имзолаганлари ҳақидаги хабарларни қувонч билан кутиб олардик. Лекин унинг хавфи бироз камайгандай бўлганда, фалокат бошқа ёқдан келди.

У на мамлакатлар ўртасидаги расмий чегараларни, на олий даражадаги учрашувларни ва на божхона текширувларини тан олади. У ҳақда 13 йилгина муқаддам ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Илмий-техника соҳасидаги ютуқларидан боши айланиб қолган инсониятни янги бир офат—ОИТС боши берк кўчага тиқиб қўйди. Дунёнинг энг буюк олимлари ҳам ҳамон унга қарши бирор чора тополганларича йўқ.

1981 йили АҚШ Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли касалликларни назорат қилиш маркази олимлари ёш эр-какларда хасталикнинг ўзгача йўналишда кечаётганлигига эътибор бердилар. Уларда Капош саркомаси (хавфли ўсма, ракнинг кўринишларидан бири) ва зотилжамнинг кам учрайдиган тури мавжудлиги аниқланди. Бу эса олимларда инсон иммунитети (организмнинг касал юқтирмаслиги ва касалликларга қарши курашиш қобилияти)га салбий таъсир кўрсатадиган янги касалликнинг пайдо бўлгани ҳақидаги тахминларга олиб келган.

1983 йили икки лабораторияда яқин-яқинлардан бошлаб инсон хасталикларида учрай бошлаган вирусни аниқлашга муваффақ бўлдилар ва у ОИТС вируси номини олди.

1980 йилдаёқ рак касалликлари миллий институти (АҚШ) илмий ходими Р. Галло қон ракининг кам учрайдиган кўринишини келтириб чиқарадиган ретровирус топган, бу эса ОИТСга олиб келувчи вируснинг «насл-насабини» аниқлаш йўлидаги илк қадам эди. Лекин Р. Галло билан бир пайтнинг ўзида Пастер номидаги Париж лабораторияси раҳбари Л. Монтанье ҳам худди ана шундай натижани қўлга киритганини эълон қилди.

Аввалига ОИТС фақат одам иммунитетига зарба беради, дея ҳисоблашган бўлса, 1985 йилиёқ унинг марказий асаб системаси учун ҳам хавф солиши, мия тўқималарига очиқдан-очиқ ҳужум қилиши аниқланган. «ОИТСнинг руҳиятга, асабга таъсир этувчи унсурларининг олдиндан аниқланмаганлигининг сабаби, — дейди англиялик врач Т. Пинчинг,— у жуда секин ривожланиб борувчи хасталик эканлигидан. Шунинг учун ҳам унинг бу жиҳатлари ўзининг бор бўйи билан тахминан 10-15 йилларидан сўнг намоён бўлиши кутилмоқда». Францялик профессор Лока Монтанье эса унинг фикрини давом эттириб, «5-10 миллионлаб вирус ташувчилар ўзларининг даҳшатли хасталикни кўтариб юрганликларини билмайдилар. Вақт ўтиб, бу нарса албатта мия фаолияти қобилиятининг йўқолишига олиб келади», дейди.

Мутахассисларнинг фикрича, XX аср ўлати жинсий ҳаёти тартибсиз кимсалар (фоҳишалар, бесоқолбозлар) билан яқинлик қилиш, зарарланган игналардан фойдаланиш, қон қуйиш орқали юқиши мумкин.

Олимларнинг фикрича, ОИТС билан хасталанганлар сони аниқланганидан кўра 30-50 маротаба кўпроқдир, Чунки одамлар деярли ҳар бир шаҳарда кўнгилли текширув марказлари ташкил этилганлигига қарамай жамоатчиликнинг назарига тушишдан қўрқиб бу ерга келмайдилар. Офат эса борган сайин кучайиб бормоқда. Масалан, собиқ СССР Фанлар академиясининг берган маълумотларига таянадиган бўлсак, 1986 йил дунёнинг 36 мамлакатида ОИТС билан оғриган беморлар борлиги аниқланган бўлса, 1988 йилга келиб уларнинг сони 136 тага етган. 1989 йили эса 149 давлатда 157 минг киши ОИТС билан хасталанганлиги аниқланган. Бу албатта бир неча йил олдинги маълумотлар. Уларнинг бугунги кундаги сони қанча бўлганлигига қизиққан одамлар матбуот саҳифаларидан билиб олишлари мумкин. Чунки бу мавзуга ўз саҳифаларидан жой бермаган газета-ю журнал қолмади дунёда, ҳисоб.

Бундан ташқари, ОИТСнинг асосан жинсий алоқа пайтида юқишини ҳисобга олсак, у биринчи навбатда 20-50 ёшли одамларни ўз домига тортишини англаш қийин эмас. Ҳар қандай давлат тараққиётида асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида қараладиган аҳолининг бу ёшдаги қисми хавф остида эканлиги жамият олдига қатор муаммоларни кўндаланг этиб қўяди.

Ёҳуд ОИТС вирусини юқтирган оналардан туғилган норасида, бегуноҳ болакайларнинг заволи кимга бўлади? Уларнинг қарғиши кимни уриши керак? Кимни? На чегара, на миллат ва на ирқ танлайдиган бу офатга нисбатан бунчалар бепарво бўлишимиз эртага ҳар биримиз учун фожиа билан тугаши мумкин.

Йўқ, бу сатрларни кимларнингдир кўнглига ғулғула солиш ниятида ёзаётганимиз йўқ. Ҳар биримиз бугунми, эртами унинг навбатдаги қурбони бўлиб қолмайлик, деган холис ниятимиз бор, холос.

Сўзимизни қаламкаш Геннадий Данилиннинг қуйидаги сатрлари билан якунлашни истардик:

«Кимки бу ўлат мени четлаб ўтади», деб енгилтаклик билан фикрласа, марҳамат қилиб ОИТСга чалинган беморлар сақланаётган (даволанаётган эмас) касалхоналарга борсин. Балки у ердаги кўзлари ич-ичига кириб кетган, қон қусаётган, бир неча ой ичида суяк солинган, теридан қилинган қопдай қуриб қолган, бошида бирорта тук сочи қолмай тўкилиб битган ёш, қачонлардир кўркам бўлган йигитларни кўргач инсониятнинг чекига яна бир оғир синов тушганлигига имон келтирар. Бундай машъум кўринишларни Австралияда ҳам, Лондонда ҳам, Сан-Францискода ҳам, Москвада ҳам учратиш мумкин... Уларнинг барида бир хил кўриниш... Уларнинг барида инсонлар секин-аста, лекин азоб билан жон бераётир... Ҳа, ОИТС чинданда чегараларни тан олмайди!»

Шуҳрат АРМОН.

Тошкент вилоятининг Қибрай районн, «Маданият» жамоа хўжалиги, «Ёнариқ» қишлоғида яшаган **Барно ҚАЮМОВА**

ҚИДИРИЛМОҚДА

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Барно ҚАЮМОВА 1977 йилда туғилган. Бўйи 150—155 см. Қора сочлари калта қирқилган, юзи узунчоқ, кўзлари қора. Тошкент шаҳридаги 45-педагогик коллежнинг 1 курсида ўқиган. У 1993 йил 16 январь куни пойтахтнинг Сергели даҳасида яшовчи аммасиникидан чиқиб кетганича уйга қайтиб келмаган. Уйдан чиқиб кетган пайтида эгнига жигарранг велюр плашч ва қаймоқ ранг этик кийган эди.

Барно ҚАЮМОВАнн кўрган ёки у ҳақда эшитган кишиларнинг «02» телефонига қўнғироқ қилишларини ёки Қибрай район Ички ишлар бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

30, 31 март соат 18.00 да

«АЖИБ ДУНЁ»

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

НУРИДДИН ҲАЙДАРОВнинг

ЯНГИ ҚЎШИҚЛАРДАН ТУЗИЛГАН КОНЦЕРТИ

Концерт дастурида «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг раққосалари иштирок этадилар.

Дастурни **Ўткир СИДДИҚОВ** олиб боради.

Чипталар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан сотилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

19 март соат 18.00 да,

20 март соат 14.00 ва 17.00 да,

21 март соат 11.00, 14.00 ва 17.00 да

цирк санъатининг барча жанрлари иштирокида

«НАВРУЗ» ХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН

2 бўлимдан иборат

КАТТА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

Касса соат 10 дан 18.00 гача ишлайди.

Оммавий талабномалар қабул қилинади, қишлоқ жойлардан тушган талабномалар бўйича эса навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.

Цирк фойесида шошилинч суратқашлик устахонаси ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

Билетлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ДОИМИЙ ИШГА

муаллифлик ҳуқуқи масалаларини биладиган, корхонадаги амалий иш тажрибасига эга бўлган, ўзбек ва рус тилларини баравар биладиган МАЛАКАЛИ ҲУҚУҚШУНОС; лифтлар бўйича ЭЛЕКТР МЕХАНИКЛАР

КЕРАК

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Телефон: 33-80-83.

Газетхонлар диққатига!

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААТ КОНЦЕРНИНИНГ РЕКЛАМА-АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

бизнинг газетамиз учун

РЕКЛАМА ВА ШАХСИЙ ЭЪЛОНЛАРНИ ЧОП ЭТИШ ЮЗАСИДАН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Сизнинг реклама ва эълонларингиз бизнинг газетамиз саҳифаларида зудлик билан босиб чиқарилади.

«Шарқ» концерни реклама-ахборот агентлигининг манзили: 700000, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, 250-хона.

Телефонлар: РЕКЛАМА — 33-81-42, 56-85-67, 32-57-27, 32-56-66.

ТОШКЕНТ АКЦИОНЕРЛИК РЕСТОРАНЛАРИ ВА КАФЕЛАРИ БИРЛАШМАСИ

пуфлаш йўли билан шиша идишлар тайёрловчи касбини ўрганишни хоҳловчиларни танлов асосида ўрганиб туриб ишлаш учун ва шу касб эгаларини таклиф этади. Ўрганиш муддати — 5—6 ой. Ўрганиш даврида иш ҳақи тўланади.

МУРОЖААТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОН: 64-02-16.

Тошкент Архитектура ва қурилиш институтининг ректорати, касаба уюшмаси комитети ва «Тупроқлар механикаси, замин ва пойдеворлар» таҳсилгоҳи жамоаси ассистент Ғаниева Зулфия Саидкарим қизига отаси **Саидкарим ҒАНИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32 уй.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаатчилик концернининг босмахонаси.

■ Нашр кўрсаткичи 64690 ■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.50 Буюртма Г—120. ■ 1 2 3 4 5 6